



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 8-fevral, chorshanba

№ 6 (1017)

1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz www hurriyat.uz

ТУГАЛЛАНМАГАН ХАТ

УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ ФАРМОН ТОШЕВГА

Хар бир асарда хулоса бўлади. Шеър ҳам, хикоя ҳам мазмунан тугалликка эга. Аммо ҳозирча бу хатни тугаллашга кучим етмади. Бу юқорида ёзганим – тажрибамнинг камлигидан бўлса керак. Курбим етганда тугаллаб кўярман. Айбга буюрманг, устоз!

⇒ 4-бет

Виртуал “қармоқ”қа илиниб, доғда қолманг ёхуд “Фуллипс” гарғи

Яқинда бир танишим ижтимоий тармоқда реклама қилинаётган “Фуллипс” мосламасини сотиб олмоқчи эканини айтиб қолди. Бу матоҳ лабни шишириб, катталаштирар эмиш.

⇒ 6-бет

АБАДИЯТГА ЎҲЛ

Даҳо санъаткорлар қаламига мансуб асарларнинг катта-кичиги бўлмайди. Уларнинг ҳар бирида ҳаёт ҳақиқати ўзининг мукаммал бадиий ифодасини топади. «Муножот» — Алишер Навоий умрининг охирида битган асарларидан биридир. У шу вақтга қадар бизда эълон қилинмаган эди.

⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

1 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмми қабул қилди.

2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори матбуотда эълон қилинди.

3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори матбуотда эълон қилинди.


3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

4 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони матбуотда эълон қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари республикамиз ҳудудларида бўлиб, жойлардаги муаммоларни ўрганмоқда ҳамда халқ билан мулоқот қилмоқда.



Ўзбекистон ҳаво йуллари миллий авиакомпанияси самолётларини ҳам йўлчиларнинг қўлимиз ҳамроҳи.



Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан бир гуруҳ ёшлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақриуви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиги бўшатилиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Мудофаа вазирлиги, дав-

ларнинг муддатли ҳарбий хизмат муддати 12 ойни ташкил этади. Қақриув комиссиялари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида улар таркибига жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари киритилди. Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Бу мамла-

катимиз Қуролли Кучлари сафларини пухта тайёрликка эга қақрилувчилар билан тўлдирish имконини берди. Масалан, жорий йилда барча қақрилувчилар уч йўналиш бўйича тест синовларидан ўтказилди. Йиғиларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг мактаб таълими дастуридаги мажбурий фанларни ўзлаштириш даражаси, интеллектуал ривожланиш даражаси, шунингдек, мослашувчанлик ва чидамликни қобилияти текширилди. Шунингдек, улар жисмоний тайёрлик синови-дан ўтказилди. Тест синовлари якунида миллий армиямизда муддатли ҳарбий хизмат қилиш учун энг юқори бал эгалари саралаб олинди. – Бобом ҳарбий алоқачи сифатида Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг қилган, – дейди қақрилувчи Шерзод Хайдаров. – Ўзим ҳам 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини туғилганман. Шу кун бобом доимо ҳарбий либосини киярди. Бу менда юксак гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиб, келажакда ҳаётимни Ватани-

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

» ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ



МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

» 9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИ КУНИ

Нафъинг агар халққа бешакдурур...

Одоб-ахлоқ, инсоний фазилатлар, халқ манфаати билан боғлиқ қарашлар Алишер Навоий ижодида ўзига ҳос фалсафага, таъбир жоиз бўлса, фундаментал асосга эга яхлит концепцияга айланган.

Улуғ мутафаккир асарларини варақлар эканмиш, ҳар сафар бизни ҳайратга соладиган тушунчалар, гоёлар ва ифодаларга дуч келамиз. Бу ул зотнинг ижоди нечоғли серқатламчилиги ва маъно товланишларига эга эканидан далолатдир. Унинг деярли барча асарларида эзгулик, саховат, ҳиммат, инсофу алолат, сабуру ҳаноят каби ахлоқий хислатлар маълум этилади. Ҳасад, ёвузлик, аловат, бахилик, хасислик, таъғирлик, ёлгончилик, дунёга ҳирс қўйиш каби иллатлар қораланади. Ул зот инсонни камолот сари интилишга чорлайди, умр абадий эмаслигига бот-бот ишора қилади ва шу боис ҳеч бир инсон ўз ҳаётида пушаймон бўлмаслик учун эзгу ишларни амалга ошириши лозимлигини уқтиради.

Улуғ мутафаккирнинг жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарларида буюк келажак, порлоқ ҳаёт билан боғлиқ олижаноб фикрлар олга сурилган. Шу боис, Навоий асарлари ҳам макон, ҳам замон билан доимо ҳамоҳанг, ички мутаносибликка эгадир. Шоир комил инсоннинг олий вазифаси ҳақида шундай деб ёзган:

Одами эрсанг, демағил одами,
Ошиқим йўқ халқ ғамидин ғами.

Навоий ижоди ҳаётга муҳаббат, инсоннинг миллатидан, қирқидан ва диний мансублигидан қатъи назар, унинг қадр-қимматини улуғлаш, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжамиятлик каби эзгу гоёлар билан суғурилган. Турли минтақаларда жанжал муожаралар рўй бераётган бутунги кунда буюк Навоийнинг беэвол ўғитлари гоёг долзарб аҳамиятга эга:

Олам аҳли билингишим, иш эмас душманлиг,
Ер ўлуғ бир-бирингизақим, эрур ёрлиг иш.

Шоир ўз асарларида халқ манфаатлари учун қайғуриш, бунёдкорлик, юртни обод этиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратган. Алишер Навоий инсонларни ҳалол ҳунар воситасида турмуш кечиришга ундар экан, биронга қарам ва боқиманда бўлишдан кескин қайтарди. Ҳатто ўзганинг ганж – хазина беришидан кўра пешона тери билан бир дирҳам топиш аълоқ деб ҳисоблайди:

Бир дирам олмақ чекибон дастранж,
Яхшироқ андики бирон берса ганж.

Шоирнинг “Назм ул-жавоҳир” асаридан ўрин олган рубоийларидан бирида ўз касбига эга бўлган инсон доим о зарга эга бўлади, унинг икки қўли ҳалол риққ топишда қийналади, ҳунарсиз инсон ҳамisha ранж чекади, чунки ҳунар инсоннинг қўлидаги ганж эрур, деган файласуфна фикр берилди:

Косиб кунжи кафи зар олгинчи эрур,
Икки қўли мезони дирамсанжи эрур,
Ким бўлса ҳунарсиз иши – ўқ ранжи эрур,
Бу вааж илақим, ҳунари ганжи эрур.

Буюк шоир ҳамisha эл-юрт учун қайғурган, бунини ўз ижодида акс эттириш билан бирига амалда ҳам намоён этган. Алишер Навоийнинг “Вақфия” асари шоирнинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ёритишга бағишланган. Унда шоир ўзининг умри давомида амалга оширган турли ободонлаштириш, хайр-эҳсон ишларига тўхталади.

Алишер Навоий ўз асарларида юксак инсонпарварлик гоёларини тарғиб этган. Бу асарлар ҳамон аҳли дунёни дол қолдирмоқда, чунки шоирнинг ҳаётида унинг ёзганлари яққол акс этиб туради. У кишининг айтган сўзи ва қилган ишида фарқ бўлмаган. Эътиқоди ва ҳаёт тарзи ўртасида тафовут бўлмагани учун ҳам биз ҳамisha у зотдан ҳайратдамиз. Фарбада “Даҳларнинг гуноҳларини кечириш мумкин”, деган тушунча бор. Лекин Алишер Навоий учун ҳар қандай буюк шахс, буюк даҳо, аввало, Инсон боласи, у шу номга лойиқ бўлиши керак.

“Хайрат ул-аброр” достонидати ўн учинчи мақолат одамларга булутдек фойда келтирувчи инсонлар ҳақидадир. Бунда шоир инсонларга наф келтириш ҳақида сўзлайди. Унга кўра одамларга яхшилик қилиш лозим, уларнинг оғирини енгиллаштириш, халқ манфаатлари ҳақида қайғуриш керак. Агар бирор кимсалдан халққа манфаат етар экан, шу инсон бу манфаат аввало унинг ўзи учун кўпроқ фойда эканлигини, яхшилик албатта бирор кун улкан муқофот бўлиб, унинг ўзига қайтиб келишини билиши керак:

Нафъинг асар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.

Агар манфаат етказишга имкон бўлмаса, яхши сўз айтишнинг одат қилиш лозимки, бу катта ишдир. Агар бунга ҳам эриша олмаган, кўнглингни элга пайваста тур:

Сўз била нафъ ўлмасга эл пешаси,
Яхши керак кўнгида андешаси.



Кўнгли киши хушлуғидин хуш керак,
Ноҳуш асар бўлса, мушавваси керак.

Яъни, сўз билан элга наф келтира олмаган, одамлар кўнглини тушунмишга интил. Агар инсонлар хурсанд бўлса, сен ҳам хурсанд бўл, агар элга ранж етса, ҳамхўр бўл.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, жамият ва шахс ҳаётига қандай масала бўлмасин, унинг ечимини ва ҳал этилишига доир қарашлар Алишер Навоий асарларидаги эзгу гоёлар беэволлигини, халқимиз ҳаётининг ажралмас бўлаги сифатида яшаб қолаверишини яна бир бор исботлайди.

Халқимиз эрк булоғидан баҳраманд бўлиб яшаётган бутунги кунда буюк бобомизнинг орзулари амалга ошаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган, инсон манфаатлари ва аҳоли билан мулоқотга жамиятнинг ҳар бир бўғинида алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёшлар камолоти учун жон куйириллаётгани Алишер Навоий асарларидаги эзгу гоёлар беэволлигини, халқимиз ҳаётининг ажралмас бўлаги сифатида яшаб қолаверишини яна бир бор исботлайди.

Дилнавоз ЮСУПОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти.
ЎЗА

ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ГАРОВИ

» ОГОҲЛИК

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайли барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Айниқса, дунёда ва минтақамизда сақланиб турган ҳозиргидек мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазиятлар, Россия Федерацияси ва АҚШ, НАТО давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашиши, Сурия Араб Республикасидаги ўта мураккаб вазиятлар ҳамда Яқин Шарқ минтақасида икки йирик давлат — АҚШ ва Россия манфаатларининг тўқнаш келиши вазиятини янада чигаллаштирмоқда.

Хуррият.ли муштарийлар.

2017 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.

“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

ТАДБИР

Яқинда Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармасида “Иқтисодий-ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда 2017 йилда солиқ қончилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда вилоятдаги босма даврий нашрлар, телерадиоканаллар вакиллари, республика марказий нашрлари, телевидениеларнинг вилоятдаги махсус мухбирлари, туман-шаҳар ҳокимликларининг муассислигида чоп этилаётган маҳаллий нашрлар бош муҳаррирлари иштирок этишди.

ватлашга қулай шароит яратмоқда, — деди вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Абдували Тешабоев. — Айни жараёнда солиқ юки йилдан-йилга камайтириб борилаётгани, жазолаш эмас, балки олдини олиш, профилактик тушунтириш-тарғибот ишларига жиддий эътибор қаратилаётгани тўғрисида вилоятимизда ҳам тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланиши таъминланмоқда.

Илгирлида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўра норматив ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маърузалар тингланди. Қун тартибдаги маъруза юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Демократик институтлар,

нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Баҳром Обиджонов фикр-мулоҳазаларини билдириди. — Хабарингиз бор, шу кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳуқуқ, парламент ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокида ишлаб чиқилган “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги даврда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик исло-

ҳотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва тинч-осойишта ҳаёт, хавфсизликни таъминлаш бўйича бешта устувор йўналишда аниқ мулатта мўлжалланган том маънодаги миллий стратегия ҳисобланади. У беш босқичда, келгуси беш йилда юртимизда йилларга бериладиган рамзий номлардан келиб чиқиб, ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурлари доирасида назарда тутилган устувор вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди. Шу босқичда давра суҳбати мавзуси Ҳаракат

стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусига бағишланди. Маълумки, кейинги йилларда солиқ қончилиги соҳасида амалга оширилаётган шу каби кўламли ҳаётбахш ислохотлар мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес, умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ва аниқрақ, иқтисодий тармоқларига ҳорижий инвестиция жалб этиш, экспорт салоҳиятини янада ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги ислохотлар самарасини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу каби ислохотлар мамлакатимиз иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини рўйбога чиқаришга қаратилгани билан аҳамият-лидир.

Давра суҳбатида таъкидлаб ўтилганидек, солиқ ва бюджет сисъатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари доирасида ҳам бир қанча имтиёз ва қулайликлар, солиқ юкунини камайтириш, солиқ маъмуричилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Давра суҳбатида таъкидлаб ўтилганидек, солиқ ва бюджет сисъатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари доирасида ҳам бир қанча имтиёз ва қулайликлар, солиқ юкунини камайтириш, солиқ маъмуричилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Б. МАДИЁРОВ.
Суратлар муаллифи
Ж. МИРЗАМАТОВ

ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ГАРОВИ

«Бошланиши 1-бетда»

Бундан ташқари, Афғонистондаги тобора кескинлашган аҳвол билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимол тутилаётган хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бундай марраларни эгаллаш осон эмас. Гап шундаки, айни пайтда сайёрамизнинг турли нуқталарида инқироз, маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршиликлар ва можаролар рўй бермоқда. Террорчилик ҳуружи ҳамда бошқа таҳдидлар хавфи кучаймоқда. Ушбу салбий жараёнлар бизни доимо огоҳ бўлишга, бутунги тинч ҳаётимизнинг қадрига этишга, мамлакатимиз чегараларини қўриқлаш чораларини янада кўчатириш, Ўзбекистон миллий давлатчилигини, унинг ҳудудий сарҳадлари яхлитлигини асраб-авайлашга ундайди. Ватан ва халққа мансублик кишига умр бўйи масъулият юклар бораверади. Шу халқ вакили бўлган ҳар бир инсон учун муқаллас бурч, бу Ватан ҳимоясидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида Ўзбекистон чегараларининг хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш юзасидан алоҳида вазифаларга эътибор қаратиб, Ўзбекистон чегараларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, юртимиз оstonасига ҳеч қандай бало-қазони яқин келтирмаслик каби ҳал қилувчи вазифаларга ҳамма диққатимиз марказида бўлиши керак деган сўзлари, биздан ҳаммисиз огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мудофаа тизимини яратишда биринчи навбатда дуч келинган қийинчилик ҳарбий кадрлар масаласи эди. Мамлакатимиз Қуролли Кучларини малакали ҳарбий кадрлар билан таъминлаш мақсадида янги ҳарбий таълим муассасалари ташкил этиш, уларда тайёрланадиган мутахассисларни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳарбий ўқув даргоҳлари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш услубларига асосланган замонавий техник таълим воситалари ва жанговар вазиятларга имкон қалар тўла мослашгани таъминлайдиган ўқув ускуналари билан жиҳозланмоқда. Шунингдек, ахборот-ресурс маркази материаллари тингловчи ва курсантларнинг ҳарбий маҳорат сирларини ўрганиши ва чуқур ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари ҳарбий таълим муассасаларида назарий ва амалий машғулотлар давомида жанговар операцияларни олиб боришни асосий тамойил ва услублари, жанговар тайёргарлик тадбирларини самарали ташкил этиш ва режалаштириш, тўғуз жанговар отишини ўтказишни услублари, шунингдек, замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникадан фойдаланиш каби муҳим масалаларга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш қарор-қарорига батафсил белгилаб қўйилганлиги ҳозирги демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнида жамиятимизнинг осойишталигини, фаровонлигини таъминлаш, демократияни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсизликни таъминлашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим муассасаларида ўқув ва тарбия режасига биноан ҳар бир босқичда тингловчи ва курсантлар ватанпарварлик, фидойилик ҳислатларини шакллантириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим муассасалари тингловчи курсантлари ҳар тонгни Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси салолари остида қаршилайдилар, республика рамзларига, халқига ўзининг садоқатларини билдирадидилар, вазод ва батаълонларда эса ҳар ҳафталик сиёсий ахборотлар, маънавият ва маърифат дарслари уюштирилади.

Ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига Ватан хавфсизлиги, ҳарбий бурчага садоқат туйғулари синглири ҳар бир тарбиячининг бурчидир.

Тингловчи ва курсантларнинг билимларини юксалтиришда таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода жамоаларда хизмат қилаётган устоз-мураббийлар республика олий ҳарбий ўқув юртлири билан таълимнинг принципиал янги услубларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, тингловчи ва курсантларни миллий ғоя, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгида Ватанга муҳаббат, садоқат туйғулари шакллантириш мақсадида таълим ва тарбия соҳасида мунтазам равишда тажриба алмашишмоқдалар.

Миллий армиямиз мутлақо янги, замонавий ва юксак маънавий асосда ташкил этилди. У миллатнинг орномуси, шаъни, шавкати, ҳимоя қилувчи, асровчи улкан кучга, ҳарбий хизмат ёшидаги ўғуллар учун ҳақиқий маънаво ҳаёт мактабига айланиб улурди. Шунинг учун ёшлар ўз она юртига хизмат қилишни муқаллас бурч, деб билади. Зеро, соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, Ватан ҳимоячисига юксак эътибор ва эҳтиром Ўзбекистон армиясининг негизини ташкил қилади. Шу босқичда ҳам, миллий армиямизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгилиниш ва ўзгаришлар шу юртда яшаётган ҳар бир инсонни бирдек қувонтиряпти.

Шундай бўлишига қарамай, минтақамиз ва жаҳонда сақланиб қолмаётган мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, қўшни Афғонистон ҳудудига террорчиларнинг фаоллашиб қолганлиги, улар ҳаттоки бир қатор аҳоли пунктларини ҳам ўз назоратлари остига олганликларидан барчани хавотирга солмайди. Халқаро террорчилар фаолиятининг кучайиши ҳамда наркопрессия, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг миқёси кенгайиб бораётгани Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз чегараларини қўриқлаш чораларини янада кучайтиришни тақозо этади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сисъат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда. Лекин зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз.

Шўҳрат ХОТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Тошкент ОХТБЮ кафедра бошлиғи,
подполковник

МУАММО БОР, ЕЧИМИ-ЧИ?

Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирида бораётгандик. Машина тормозининг тўсатдан чийиллаши ён-атрофдагиларни ҳушёр торттирди. Ҳамма хавотирланиб, ўша томонга қаради. Кўчани кесиб ўтаётган балоғат ёшидаги киз йўлнинг ўртасида қотиб турар, унинг қаршисидаги машина ҳайдовчисининг ранги оқариб, қизчани койириди. Шу атрофдаги айрим йўловчилар “секинроқ юрсангиз бўлмайдими, ахир йўл четида пиёдалар ўтиш белгиси турибди-ку”, дея киноя қилишди. “Биламан, йўл белгиси ўтиш жойидан икки метр берида ўрнатилган қизчанинг тўсатдан югуриб чиқишини қаёқдан билай?”, деди у.

Ҳақиқатдан ҳам тўғри, светофорсиз ўтиш жойларида огоҳлантирувчи белги жуذا яқин масофага ўрнатилган экан. Бундай ҳолатда ҳар қандай ҳайдовчи ҳам шошиб қолиши табиий ҳол. Ёгин-сочин, қорли-қировли кунларда ердаги пиёдалар чизиги кўринмайдиган пайтларда бу хавф янада ортади. Ўйлаб кўрайлик. Йўлда бир варақайига тўртта транспорт воситаси олтимиш тезлигида келяпти. Улардан биттаси ёки иккитаси пиёдаларнинг ўтаётганини кўриб тўхтар, ана келинг, учаласи ҳам тўхтади. Аммо шундай тезликда келаётган тўрттинчи транспорт воситаси ҳайдовчиси тормоз берганида ҳам икки метрга қолганда йўловчига зарар етказиши мумкин. Бундай ҳолатлар кўп-кўп учирамоқда.

Уйдан кўчага чиқдикми, ҳаммамиз хоҳаймизми, йўқми, йўл ҳаракати интироқчисига айланамиз. Тартиб-қоида ҳаммага баробар.

Юртимиз тараққий этгани, йўллар кенгайтирилгани сайин автоуловлар сони ҳам ортиб бораёпти. Бу эса ўз навбатида йўл ҳаракатида бир қанча мураккабликларни келтириб чиқараётгани бор гап.

ли светофорлар ҳам ўрнатилмоқда. Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Бундан асосий мақсад йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи омилларни камайтиришдир. Аммо бундай мосламаларни ҳамма жойга етказиб беришнинг ўзи эмас.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида дунёда 1 миллион 300 минг киши ҳаётдан кўз юмади. 20-50 миллионга яқин одам турли тан жароҳати олиб, баъзилари умрбод ногирон бўлиб қоляпти. Жабрланувчиларнинг ақсариятини пиёдалар, мотоцикл ва велосипед ҳайдовчилари ташкил этади. Бу рақамлар ортида инсонлар ҳаёти ётганлигини ўйласак, йўлда ҳушёрлик ҳеч қачон зарар келтирмаслигини англайсан, киши.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, ноҳуш ҳалокатларнинг ярми пиёдалар билан боғлиқ ҳолда содир этилмоқда. Ушбу ҳолатларга асосан уларнинг светофор ишораларига, йўл белгиларига, йўл чизикларининг талабларига риоя этмаслиги, йўлнинг пиёдалар учун тақиқланган қатнов қисмида бўлиши ва бошқа хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслиги сабабдир. Шуларни инобатга олган ҳолда, йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ равишда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавоб-

ҲУШЁР БЎЛИНГ,



ёки айб огоҳлантирувчи белгидами?

гарлик тўғрисидаги кодекснинг нормаларини янада такомиллаштириш ҳамда йўл ҳаракати соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг самарали олдини олиш учун 2016 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланиб, кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, ўша ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиш, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиш, видео-материалларни томоша қилиш ҳамда аудио-материалларни эшитиш, шунингдек, эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиш йўл ҳаракати қатнашчиларига тегишли маъмурий жавобгарлик чоралари ўрнатилишини назарда тутди. Бу эса ҳар бир пиёдаларни янада огоҳлантиришга ёрдам бериши алоҳида таъкидлаш жоизки, қонун қоидаларга қанчалик ўзгаришлар киритилмасин,

унинг ташвиқоти борасида қанча саяй-ҳаракатлар олиб бориладими, ҳануз айрим кишилар томонидан уларга амал қилмаслик, бекфарқлик сақланиб қолган.

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидей пиёдалар ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун масъул. Бироқ пиёда белгиси була туриб, бир қорини содир бўлсачи, унда ким айбдор? Албатта, ҳайдовчи. Қуйида бу ҳақда ҳайдовчи, Шоқир Мардиевнинг сўзларига эътиборингизни тортамиз.

— Кечаси соат бирлар чамаси эди. Кўчада автоуловлар кими, нари борса уч метр. Эътибор берилса, биргина пиёда белгисининг ўтиш жойига яқин ўрнатилгани кишининг ҳаёт-мамотини ҳал қилаяпти. Ўша белгига ишониб, ҳайдовчи ҳам, пиёда ҳам ҳаракатланади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, янги белги жорий қилиш керакдир, балки. Яъни, “эктиёт бўлинг фалон метрдан сўнг пиёда”, дегандек, уларни баландроқ, кўзга кечасио кундузи ҳам кўриниб турадиган тарзда, ё бўлмаса махсус мосламали яшил ва қизил чироқли “стоп”ли светофор ўрнатиш жоиздир. Агар шунга ўхшаш огоҳлантирувчи белгилар жойини топса, ҳайдовчи олдиндан тезликни пасайтириб боради. Шунда айрим кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлишининг олди олинармиди?!

пайдо бўлади, деб ўйлайсиз. Кўпинча пиёдаларнинг йўлакчадан тўсатдан чиқиб қолиши, ҳайдовчиларни қийин аҳволга солиб қўймоқда. Бундан ташқари светофорсиз ўтиш жойида белгилар кўрimsиз, белги жуذا яқин. Бу аҳволда кетма-кет келаётган машина оқимини тезла тўхтатишнинг имкони бўлмай қолиши мумкин. Шундай вазиятда бир сонияда ҳайдовчи аввал орқадан келаётган автоуловни хавфдан ҳабардор этиб ҳалокатдан огоҳлантирувчи чирогини ёқиб, бир пайтнинг ўзида тасомази ҳам босиши керак. Масофа эса икки, нари борса уч метр.

Эътибор берилса, биргина пиёда белгисининг ўтиш жойига яқин ўрнатилгани кишининг ҳаёт-мамотини ҳал қилаяпти. Ўша белгига ишониб, ҳайдовчи ҳам, пиёда ҳам ҳаракатланади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, янги белги жорий қилиш керакдир, балки. Яъни, “эктиёт бўлинг фалон метрдан сўнг пиёда”, дегандек, уларни баландроқ, кўзга кечасио кундузи ҳам кўриниб турадиган тарзда, ё бўлмаса махсус мосламали яшил ва қизил чироқли “стоп”ли светофор ўрнатиш жоиздир. Агар шунга ўхшаш огоҳлантирувчи белгилар жойини топса, ҳайдовчи олдиндан тезликни пасайтириб боради. Шунда айрим кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлишининг олди олинармиди?!

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Талабалик даври — тошдаги битик

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Тоштемир Турдиев билан 1962 йилда Бухорода шоир Ташпўлат Ҳамид томонидан ташкил этилган "Ёш ижодкорлар" тўғраги машғулотларида танишганман. Тўғрақда бизлардан ташқари Музаффар Турсун, Темир Норов, Сайёра Нуруллаева, Бахшанда Болтаева, Раим Мақсудов, боғбон шоир Шариф Нурхон, Султон Расулов ва бошқа ижодкорлар қатнашарди. Тўғрақ машғулотларида яхши шеър ҳаёт ҳодисаларини ўрганишдан, дунёни чуқур билишдан, билим эса кўпроқ китоблар мазмунини тушуниб ўқишдан тўғилади, деган ақида қулоққа Ташпўлат Ҳамид томонидан қайта-қайта қўйиларди. Шу боисдан бўлса керак, Тоштемир ва Музаффарнинг қўлидан "Минг бир кеча" тушмай қолди. Мен эса Ҳамид Олимжон билан Фафур Фулом шеърларига ишқивоз эдим. Ташпўлат Ҳамид айтганидай китобларни кўпроқ ўқиш ва узлуксиз машқ ўз мевасини берди. Тоштемирнинг "Ёдингдами?" шеъри, Музаффар Турсуннинг "Икки ямок" ҳикояси "Бухоро ҳақиқати" газетасида босилиб чиқди. "Ёдингдами?" муаллиф томонидан зиммасига юклатилган ижтимоий вазифани аъло даражада удаллади. Бухоро давлат педагогика институти талабалари бир-бирларига "Ёдингдами" деб мурожаат қиладиган бўлиб қолишди.



лаб сизларни билмадимиз менинг юрагимдан қуйидагилар ўтди:
Сурув-сурув қўй ҳайдаган
бойлари кўп,
Уқорида бия билан тойлари кўп.
Ё Ҳиндиқуш, ё Ҳимолай,
ёки Помир,
Дарасидан шарқираган
сойлари кўп.
Дарёлардан бўйлаб
ўтган бўйчи бобом:
— Оши ҳалол.
Ўтган лаҳза подалардай
изга қайтмас,
Юрти бойнинг дастурхони
ётилмайдди.
Ёр юзида тариқдан кўп
товламачи,
Кенг жаҳондан оши ҳалол
тошмади.
Йўқда бордай ёр-ёр айтган
қўйчи бобом:
— Оши ҳалол.

кимдир биладиган, кимдир билмайдиган икки воқеани ошкор айласам, зора "тўққизка шўхлик" қилувчи баъзи бир ёшлар учун улар ибрат, тарбия мактаби бўлар.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Денов туман маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Тоштемир Турдиев 1942 йил 14 февралда Тўхтамиш қишлоғида туғилди. Момоси Ҳайитгул Алиқуллова чақалоққа тошдай-темирдай узоқ умр кўрсин, чидамли ва иродали бўлсин деб, "Тоштемир" исмини қўйди.

Тоштемир ёшига етмасдан онаси Ментонга Тўраевдан, икки ёшига етганда жанг қилаётган отаси Турди Тўраевдан ажралди. Акиси Аҳмад Ҳайитгул момонинг қарамоғида қолди. Бега, бекут, ҳувиллаган ҳовлида нима еб, нима ичиб кун кўрганини ҳеч ким туйғуси экан. Бу туйғулар бизни аввал бирлаштирди, кейин сирлаштирди, кейин бир умр дўстлаштирди. Ҳозиргача бизлар орамыздаги масофалар узоқ, кўнгиллари яқин дўстларга айланиб қолдик.

уксиниб, тўйиб-тўйиб йиғлаб олдик.

Орамызда пинҳон сир қолмади. Музаффар ва мен ёрти, Тоштемир эса ҳам онадан, ҳам отадан ҳам бемаврид ажралган ким етим. Билсак, бизларни Тошпўлат Ҳамиднинг "Ёш ижодкорлар" тўғрагига бағланган шу кўзга кўринмас, киши билмас етимликнинг армони туйғуси экан. Бу туйғулар бизни аввал бирлаштирди, кейин сирлаштирди, кейин бир умр дўстлаштирди. Ҳозиргача бизлар орамыздаги масофалар узоқ, кўнгиллари яқин дўстларга айланиб қолдик.

Инсоннинг юраги жавоҳир тўла сандиққа ўқшади. У ҳар кимнинг олдига очилаверадиган дастурхон эмас. Шу маънода Тоштемирнинг гўдаклик ва болалигига алоқадор, лекин

Талабалик ростиқамига олтин давр. Унинг ҳар дақиқаси ҳайрат ва ҳаяжонли... Кунлардан бир кун қўлимга Мамарасул Бобоевнинг "Она қалби" поэмаси тушиб қолди. Талабалар уйдаги хоҳамизда ёлғиз ўзим. Қурдошларим шанбалликка кетган.

"Она қалби"ни ўқий бошладим. Кўзларимга ёш қалқиди. Хона эшиги очилди, Тоштемир билан Музаффар кириб келди. Улар аҳолидан ажбланишди. Мен беҳиётёр "она" дедим. Тоштемир ҳам менга қўшилиб йиғлаб бошлади. Музаффар ҳам чидай олмади чоғи. "Она!" деди ва мени қучоқлаганича йиғлаб бошлади. Ниҳоят, "икки ямок" учта бўлиб ўқсиниб-

БОЛАЛАР СОГЛОМЛАШТИРИЛДИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан оналар ва болалар саломатлигини муҳофизат қилишга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва усмирлар соғлигини муҳофизат қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарорни ижросини таъминлаш мақсадида болаларни мамлакатимиз клиникаларида ва тиббиёт марказларида ҳамда чет элда соғломлаштириш, шу жумладан, туғма юрак нуқсонли болаларни турлидан болаларни тезкор даволаш борасидаги ишларда фонднинг алоҳида ўрни бор.

Фонд томонидан Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг Пундан Ча ва Инча уни-верситетлари госпиталларида туғма юрак нуқсонли, терининг қуйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташвишлар билан оғирган болалар бепул соғломлаштирилмоқда. 2015 йил Хиндистоннинг "Artemis Medicare Services Limited" госпитали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида узвора уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланган. Ушбу ҳамкорлик доирасида юртимиздаги туғма юрак нуқсонли болалар Жаҳоний Корея ва Хиндистонда жарроҳлик амалиёти орқали соғломлаштирилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар давомида 26 нафар юрак туғма нуқсонли бемор бола "Artemis Medicare Services Limited" госпиталида шифо топди.

Жорий йилнинг 25 январь кунинанга бир гуруҳ юрак нуқсонли болалар оғирган болалар "Artemis Medicare Services Limited" госпиталига даволаниш учун юборилган. Жарроҳлик амалиётидан сўнг уларнинг саломатлиги тикланиб, юртимизга қайтиб келди.

Анджонлик Ойдинно Қобилжонова улардан бири. Қизалоқ аввалига юртимизда боқичма-боқич даволанди. Жарроҳлик амалиётидан сўнг унинг саломатлиги тикланди.

— Фарзандим соғайиб, оёққа туриб кетгани учун давлатимиз томонидан катта ёрдам кўрсатилди, — дейди Ойдиннонинг онаси Шохидла Орпнова. — Қизим Хиндистоннинг нуфузли клиникасида бепул даволаниб барғимизга соғ-омон қайтганидан бошимиз кўкка етди. Фарзандим саломатлигини тиклашга ёрдам берган шифоқорлардан, ҳар бир болага меҳрибон эътибор билан қарайдиган давлатимиз раҳбаридан миннатдорим.

Г.САТТОРОВА,
ҲАМ мухбири

МУНОСАБАТ

Оналарга чорлов ёхуд орият исёни

БУ ҚАНДАЙ ЖАЗО?

Қишлоқ чеккасидаги хужрадекгина уйда бир нўғой кампир яшарди. Уни бир пайтлар шу ерлик йигит "армиядан олиб келган" деган гап қўлғимизга чалинган. Улар турмуш қуриб, бир қиз кўришган. Дадилгина, одамоҳун бу аёл тез орада кўзга ташланиб, аввал қишлоқ, сўнг туман хотин-қизларининг етакчиси бўлган экан. У пайтлар дипломи бўлмасаям оғзидан гап келса бўлди, кўтарилди кетаяверди, дейди кексалар. Эл орасида юриб, сўзи синмаган, кўпни ортдан эргаштирган, шу халқнинг қадриятларини ўзиники қилиб ултурган бу аёлнинг қизи бир номаъқулчилик қилиб қуйди-ю, она шўрлик ётиб қолади. Ойлали одамдан ҳомилдор бўлиб қолган беҳаё қизни нима қиларини билмай, ота-она уни уйдан ҳайдаб юборган. Қизи дом-лараксиз йўқолиб кетган, эри ҳам бандаликни бажо келтирган экан. Қишлоқ аҳли ёлғиз аёлни ташлаб қўймаган, албатта. Кўни-қўшни, маҳаллақўйнинг далдаси билан бироз ўзига келган, бироқ аввалги дадиллиги шодумонликдан асар ҳам қолмаган эди. Уйдан чиқмайдиган, деярли ҳеч ким билан гаплашмайдиган бўлиб қолганини кўриб, "ўзи ҳам бир пайтлар ота-онасидан қочиб келган бўлса, энди бу менга жазо деб ўйлаётгандир", дея таҳмин қиладиганлар ҳам топилди.

Биз ўсимир қизалоқлар эдик, икки-учтамыз йиғилсак, "юртилар, мумкамнингнинг уйига қараб келамиз", деб чоп-қиллашиб кетардик, аммо ичқари киришга ботинолмайд, деразадан бир қараб қочардик. Уззу кун мум тийлаб, бир нуқтага тикилганча ўтираларди "абий" (унга шундай ном берилган эди) ўша пайт бизга галати, қўрқинчли кўринган бўлса керак. Кейинчалик би-

роз ўзига келиб, офтобнинг кўзида бир нималар тўқиб ўтирадиган бўлди. Уша вақтлар уни бу аҳволга солган нарсанима эканини англамаганмиз. Ҳа, бу ор-номус эди...

Бир йигитга эргашиб, бегона юрт, бегона одамлар орасига келиб қолган бу аёл атрофдагиларга эл бўлиб яшашни ўрганди, ўзга миллат қадриятларини қадрлади, ор-номус, андиша нима — барини анлади. Шу юртда туғилди, шу халқ ичида улғайган қизи эса, афсуски, буларни англамаган экан.

Қизинда "Тошкент" телеканали орқали намойиш этилган фожеали воқеа ўша нўғой кампир ва унинг андишасиз қизини эслатди. Йулхалтага солиниб, кўп қаватли уй подьезидига ташлаб кетилган чақалоқни кўрган ҳар қандай онанинг юраги бир қалқиб тургандай. Буни қарангки, ўтган йили пойтахтнинг ўзида худди шу аҳвол беш марта содир этилибди. Яратганининг инояти билан бешала чақалоқ ҳам омон қолган, ҳозир меҳрибонлик уйда тарбияланипти. Минг афсуски, уларнинг ҳеч бири ўзга миллат вакили эмас, ўзимизники...

ХУЛОСА ҲУЗИНГИЗДАН...

Бир урғочи итимиш буларди. Ҳар йили болашардан безор бўлган отам бир гал куришларни кўзи очилмай туриб кўмиб келди (қўзи очилгач, бундай қилолмасди, назаримда). Биттасини қолдиринг, деганимизга ҳам кўнмадилар. Ушанда отамни ўзимизча раҳмсизликка айлаган бўлидик. Она ит болаларини излаб-излаб ҳолдан тойди. Қўжам пайти, ерлар нам, кун ора ёмғир ёғарди. Ҳалиги ит шаррос ёмғирда ҳам пангага қочмай, узала тушиб ётиб оладиган одат чиқарди. Кўп

ўтмай, унинг ўлигини топишди...

АЧЧИК ИҚРОДАН ФОЙДА ЙЎҚ

Нўғой кампир-чи, сизнингча, у ориятни нега бу қадар чуқур ҳис қилди, оқибатда одамо-ви бўлиб қолди?! Фақат қизи йўл қўйган хато учунми?! Йўқ, негаки, атрофдагилар шундай эди, ҳеч бир оилада бундай шармисорлик такрорланиб турган эмасди. Бошқа миллатни қўя турайлик, ҳозир қизининг номаъқулчилиги учун уша кампир каби изтироб чекаётган, одамовига айланиб, ўзини ўзи жазолаётган оналар бормикин?! Буни ҳеч биримиз учраётганимиз йўқ, негаки, ўша муқаддас қислар ўлиб борапти, "атрофимдагиларнинг ҳеч бири менга таъна қиладиган аҳволда эмас", деган фикр ушани ақлдан кўтариб олган бўлган.

Қўшни давлатдаги минглаб оналар фарзанд кўришдан қўйди, чунки гўдагини беҳаффу хатар улғайишига ишонч йўқ. Она бўлиш ёшидаги хотин-қизларнинг ўзлари туғилиб воғта етгандан буён кўргуликлар фақат қонли тўқнашув, зўравонлик, очлик ва ҳўрлик. Жиллакурса бир кунгина осойишта, хавфдан холи яшашни, тунлари тинчлик-хотиржамликка ўтишни истайдиган ота-оналар, дунёни англашга улгурмаёқ кўрбон бўлаётган гўдақларнинг саногини қанча. Буларнинг барига уруш отлиг жаҳолат сабаблиги ҳаммамизга маълум. Унда ёнгинамизга ташлаб кетилаётган гўдақларга бўлган оналарнинг гайринишоний муносабатига сабаб нима?! Тўққизка шўхлик, тинчлик ва покликка хиёнатми?!

Яхши қиз маҳалласидан ортмайди, деган гап бор. Ҳозир атроф тўла қиз бўлса, ўглини уйлантиришга чо-

хас-хашак, шох-шабба терди. Чўп деганлари ҳам анқонинг уруғи. Бир кун ноилоҳ хўжалик боғи ҳудудига чўпчак терниш учун ўтди. Етимликдан узоқ, йўқликдан батамом бегона, кимсан фалончи раис уни кўриб қолди. От билан қўйиб болани шунчалик қамчилдики, тасодифан Тоштемир жарга қуламаганда оқибати аянчли бўларди. Раҳбарнинг тошбағирлиги туфайли содир бўлган воқеага бу йил 66 йил тўлди. Бироқ ўша кимсанинг ваҳшиёна жаҳли Тоштемирнинг юрагидан, ўша қамчиларнинг аччиқ захри суягидан кетганича йўқ.

Кунлардан бир кун ўша муштумзўр бедаво дардга йўқликди. Туман хастахонасида узоқ ётди. Тоштемир уни кўргани борди. Кўнглини кўтарди. Узоқ умр ва соғлиқ тилади. "Яхшилик қил, дарёга от, балиқ билади, балиқ билмас Халик билади" қабилида иш тўтди. Бу фазилат Тоштемирнинг кечиримлигидан, бағрикенглигидан, иймон ва маънавияти мезони бандлигидан дарак.

Мухтасар қилиб айтганда, талабалик йилларининг завку захматини, асаду басалини мен билан баҳам кўрган жисмоний бақувват, маънавий бадавлат дўстим Тоштемир Турдиев бу йил ўзининг етимни беш баҳорини қаршилайди. Менинг унга айтганидан бир оғиз сўзим бор. У ҳам бўлса: "Талабалик даври — тошдаги битик". Шу ҳақда юз йилдан кейин ҳам ҳозиргидай гаплашамиз. *Яхшилик, ҳалоллик, байроқ ҳам қонун, Ҳалилик, гайратдан куч келгай тизга.*

Борлиқни айланб, тоғаним дўстлик Темир, тош умрини тилайман Сизга!

Хушбоқ РАҲИМ,
фалсафа фанлари номзоди

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

Йўл четида юриб дон чўқийтган кабутарлар ва улар билан ўйнашаётган шўх-шодон болакайларни кўриб кўнглинг ҳаловат толади. Буларнинг барчаси фаровон ҳаётимиз, тинч-тотувилимизнинг бир нишонасидир.

Тушунча ва амалиёт

Тинч мамлакатда яшасак-да, замон талотўпи, хавотирли. Шундоққина қўшни мамлакатларда содир бўлаётган хунрезликлар, қонли тўқнашуларга панжа ортидан қараб бўлмайдди. Баъзи ҳудудларни айроқайраётган террористик ҳаракатлар уюшган жиноятчиликнинг бир тури сифатида "Халқаро терроризм" балосига айланб турибди. Айниқса, ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, ҳушёрлик, тинчлигимиз учун шукроналик келтириб яшаш руҳида тарбиялаш асосий мақсадимиздир. Бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари бежиз айтмаган:

Агар оғоҳсен сен — шохсен сен,
Агар шохсен сен — оғоҳсен сен...

Ёшларни оғоҳликка қақиритиш, халқаро терроризм ҳақида тушунча бериш, дунёда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан мамлакатимизнинг муносабати, тутган ўрни тўғрисида маълумот бериш мақсадида Самарқанд таянч тиббиёт коллежида "Халқаро терроризм ҳақида тушунча ва унинг турлари. Террористик акт содир этилганда аҳоли ҳаракати" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда халқаро терроризм мавзуси, бутунги куннинг энг долзарб мавзуси экани ва бунга бизнинг ёшларимиз қандай муносабатда бўлишлари лозимлиги тўғрисида сўз борди. Кўргазмили тақдиди кўринишида маърузалар қилинди.

Конференцияда диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг тарихи, шаклланиши, турлари, мақсадлари ва амалга ошираётган мафкур шилари тўғрисида доцент Яхшинояр Алларов маъруза қилди. Талбир қатнашчиларига фавқулодда ҳолатларда тиббий ёрдамни ташкил этиш тўғрисида фавқулодда вазиятлар вазирлигининг виллоятдаги бошқармаси ходими М.Соҳибназаров тушунча берди.

Бундан ташқари қиш кунларида долзарб муаммага айландириган иш газилан захарланиш ҳақида видеолавҳа тақдим этилган, аҳоли ўртасида захарланишнинг олдини олиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш ҳақида Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг маъсул ходими Т.Ҳамроев маъруза қилди.

Талбир сўнгида мавзуга доир турли хил видеолавҳалар намойиш этилди. Қизгин баҳс ва мунозараларга бой бўлган ушбу талбир Самарқанд таянч тиббиёт коллежининг ўқитувчи ва ўқувчилари, талбир қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди.

Яхшибой ТОҶИБОВЕВ

Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари нимада?

Ёнғин, кучли иссиқлик натижасида, моддий ва маънавий бойликларни бир неча дақиқада йўқ қилувчи, атроф-муҳитни издан чиқарувчи фавқулодда вазият. Ёнғин уй шароитида назорат қилиниши мумкин бўлган дастлабки дақиқадан уч дақиқагача бўлган вақт оралиғида назорат қилиб бўлмайдиган даражада кучаяди.

Ёнғиннинг уч омил: ҳаво ҳарорати (иссиқлик), ёнғичи модда (жисм) ва учқун-аланганининг бир пайта юз бериши оқибатида пайдо бўлади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, табиий ҳолатда, яъни чақмоқ қақшиш, вулқон отилиши, секин оксидланиш каби юз берган ёнғинлар эътиборга олинмаган тақдирда, бошқа чиққан ёнғинларнинг асл сабаблари қуйидаги нисбатни ташкил этар экан.

Шу ўринда ёнғин келиб чиқиш сабаблари билан боғлиқ айрим статистик маълумотларга тўхталасак:

- 26 фоиз ёнғин кечкиш, ёнғичи моддаларни ёқиб, гугурт билан ёритишда фойдаланиш оқибатида;
- 14 фоиз ёнғин болаларнинг ўт билан ўйнаши;
- 13,5 фоиз ёнғин электр жиҳозларини ишлатиш қоидаларининг бузилиши;
- 8,5 фоиз печка ва тутун қувурларининг нотўғри ўрнатилиши;
- 2,3 фоиз ёнғин пайвандлаш ишларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши оқибатида;
- Технологик жиҳозларни бошқариш қоидаларини бузиш оқибатида 1,2 фоиз.



Ёнғин ёки бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда, ўқувчи-талабалар ҳамда бошқа ишловчи ходимларни зудлик билан бинодан олиб чиқиш учун ҳар бир бинода, шунингдек, ҳар бир қаватда эвакуация чизмаси бўлиши керак. Ушбу чизмада ҳар бир хонадагиларнинг ҳаракат йўналиши ҳамда захирадаги чиқиш эшикларни кўрсатилган бўлади.

Шу билан бир қаторда, ҳар бир қаватда ёнғинга қарши кураш учун ёнғин шланглари ва уни ишлатишга мўлжалланган, доимий сув билан таъминланган ёнғинга қарши сув қувурлари ва жўмрақлари, олов чиққанда унга қарши курашнинг дастлабки ҳаракати бўлган олов ўчириш баллонлари бўлиши керак. Бундан ташқари, деразаларига темир панжаралар қўйилган хоналар ичида лорн ёки шунга ўқашш бошқа буюм доимий сақланиши даркор.

Шерзод МИРЗАХМЕДОВ,
2-Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

Ҳолида ФАЙЗИЕВА

Биринчи муаллим ҳамроҳи

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ

Бундан 25 йил аввал чоп этилган журналнинг илк сонидаги «Оқ йўл сенга, «Бошланғич таълим!» сарлавҳали кутловда Ўзбекистон Республикасининг ўша даврдаги Халқ таълими вазирлиги, педагогика фанлари доктори, профессор, бугунги кунда эса журнал таҳрир хайъати аъзоси Жўра Йўлдошевнинг нашр мазмун-моҳиятига тегишли йўлланмаси ҳам берилган эди:

«Ишонч билдириб айтиш жоиздирки, «Бошланғич таълим» журнали кичик ёшдаги ўқувчиларимизга пишқиқ-пухта билим ва тарбия беришда йўлланма ва қўлланма бўла оладиган энг яхши илмий-методик мақолаларни нашр этиш билан ўқитувчилар, тарбиячилар ҳамда ота-оналарга бошланғич таълимни янги босқичга кўтаришда, миллий мактабларимиз пойдеворини бунёд этишда доимо мададкор бўлиб қолади».

Таълим тарбия талқини шуни кўрсатдики, таҳририят қўйилган вазифаларни уладлашга ҳаракат қилган. Журнал саҳифаларида Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланган бошланғич синф ўқитувчилари учун тарбиявий иш режалари, кунги узайтирилган гуруҳ тарбиячилари учун таълимномалар, керакли методик йўлланмалар мунтазам равишда бериб борилган.

Фарзанд тарбиясига оид халқ педагогикаси, хусусан, одобномага оид манбалар билан танишиб бориш, ўтмишдаги бой маданият, бошланғич мактабга асос солган, уни такомиллаштирган буюк сиймолар ҳақида ҳикоя қилинган.

Нашрнинг дастлабки сонларида биздан яширилган ҳақиқий тарихни ўрганишга кенг ўрин ажратилган, асл манбалардан табиқлар берилган, масалан, фарзанд тарбиясига энг нодир дурдоналардан бири Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари журналнинг бир неча сонида босилган.

Халқ педагогикаси асосида тарбиялаш, миллий мактаб муаммолари, Алифбе сабоқларида имловий сезирликни шакллантириш, сабоқларни қизиқарли ўтиш масалалари, таълимни қулайлаштириш, фикрлаш қобилиятини ўстириш, нутқни яхшилаш йўллари, театрлаштирилган машғулотлар, мусикий таълим муаммолари, бахатликнинг кўнгилсиз жиҳатлари, гўзалликни англаш сингари долларб мавзуда Малла Очиллов, Раҳима Мавлонова, Йўлдош Абдуллаев, Талъат Гафурова, Қумри Абдуллаева, Эргаш Умаров, Дарвин Омонуллоев, Муҳаммад Қуроноқ сингари кўп табиқ олимлар, ижодкор муаллимлар журналда ўз мулоҳаза, таққикот ва тажрибалари билан иштирок этган.

ЖАҲОН ТАЪЛИМИ ТАРИХИДА ЁРКИН САҲИФА

Таълим, хусусан, бошланғич таълим узоқ тарихга эга. Боболаримизнинг маърифатли жамият қуриш орзуи асрлар оша миллатимиз қонига яшаб келди. Истиқлолимиз ана шу орзуларга қанот берди, албатта. Айниқса, 1997 йили «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилгани ва у Олий Мажлис томонидан қонун даражасида қабул қилингани нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон таълими тарихида ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланди. Ушбу муҳим ҳужжат натижасида Ўзбекистон таълим тизими ҳам шак-

лан, ҳам мазмунан тубдан янгиланди. Хусусан, биринчи бора бошланғич таълимнинг Давлат таълим стандартлари яратилди. Уларга асосан янги ўқув дастурлари ва дарсликлар ёзилди, орадан маълум вақт ўтгач, замон талаблари инобатга олинбди такомиллаштирилди ҳам. Болажонларимиз эндиликда мутлақо янги мазмунда, кенг ва ёруғ ўқув хоналарида, замонавий жиҳозлар ёрдамида тахсил олмақдалар.

Ана шу жараён билан ҳамоҳанг равишда юртимиз таълими тизимидаги, шунингдек, дунё таълимидаги янгиликларни ёритиш таҳририят аъзоларининг бурчидир. Шу боис, таҳририят концепцияси такомиллаштирилган бўлиб, унга асосан, мақсад ва вазифалар белгиланди, тузилма — бўлимлар йўналиши, ходимлар вазифалари қайтадан тақсимланди.

ЖУРНАЛНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

«Бошланғич таълим» журналда чоп этиладиган материаллар умумтаълим мактабининг бошланғич синф муаллимларидан ташқари, мактабгача таълим муассасаларининг бошланғич мактабга тайёрлаш билан шуғулланган тарбиячилари, педагогика олий ўқув юртилари ўқитувчилари ва талабалари, бошланғич таълим муаммолари тадқиқоти билан шуғулланаётган катта илмий ходимлар ҳамда бошланғич таълим мутахассислиги бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига мўлжаллангандир. Журнал саҳифаларида: «Таълим тўғрисида»ги, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларга асосан ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг ҳаётга татбиқи эътишда бошланғич таълим методикасининг долларб масалалари бўйича таҳлилий мақолалар ёзиш, давра суҳбатларини ташкил этиш; янги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ишлаш бўйича ахборотлар, методик тавсиялар, дарс ишланмалари, илгор иш тажрибаларини мунтазам чоп этиш; олий таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф мутахассислари таълим тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тажрибаларини, муаммоларини ёритиш бўйича илмий, ахлоқий-таълимий мақолалар ҳамда методик тавсиялар бериш; мактаб ва оила ҳамкорлиги, ота-оналар билан ишлаш, балки жаҳон таълими тарихида ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланди. Ушбу муҳим ҳужжат натижасида Ўзбекистон таълим тизими ҳам шак-



МУАЛЛИФЛАРИМИЗ — ЭНГ ЯХШИ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

«Гапда эмас, амалда кўмак!» Бу таҳририят ходимларининг шiori. Бугунги кунда таҳририятда «Ижтимоий-гуманитар фанлар ва махсус таълим бўлими», «Аниқ, табиий ва эстетик тарбия йўналишидаги фанлар бўлими», «Чет тили, халқаро алоқалар ва спорт бўлими», «Бошланғич таълим-тарбия методикаси ва илмий тадқиқотлар бўлими» фаолият юритмоқда.

Бу жараёнда ижодкор муаллим-муаллимларнинг ўрни алоҳидадир. Бошланғич таълимнинг бутунги долларб муаммоларига бағишланган мақолалар, айниқса, муаммо пайдо бўлиши ва уни бартараф этиш борасидаги, ўқитиш жараёнида инновацион ёндашув, қўлланма усулларининг қўлланилишида муаллимнинг шахсий педагогик тажрибаси намоён бўлган материаллар журнал аҳамиятини оширади.

Таълимда масалалар катта-кичикка ажратилмайди — ҳаммаси муҳим. Шу боис йирик муаммо кўтарилган мақолалар билан бир қаторда амалиётчи ўқитувчиларнинг шахсий методик жамғармасидан ўрин олган таълим-тарбиянинг кичик бўлса-да, нозик жиҳатлари ёритилган муваффақиятли тажрибалари кўпчилиги учун қизиқарли. Ўқувчининг ижодий имкониятларини ривожлантирадиган, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ташкил этилган дарслар, тарбиявий соатлар, тўғрақ ишлари ва бошқа синфдан ташқари машғулотлар ҳам таҳририят учун қимматли ҳисобланади.

«МАҲОРАТ» ИЖОДИЙ ТАНЛОВИ

Ҳар бир ижодкор ўқитувчининг янгиликка интилиб, бир хилликдан қочинишга ҳаракат қилиши табиий ҳолат. Бу ҳислат журналистлар учун ҳам бегона эмас. Шу боис муштарийлар, яъни ижодкор муаллимлар ва бошланғич таълим соҳасида ёзадиган қалам аҳлини танловга тақдир этдик. Натига эса қўлланмадан яхши бўлди. Аввало, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўз янгиликлари билан таҳририятга мурожаатлари қўлайиб, юборилган материал сифати яхшиланди. Фикримизни юртимизнинг турли гушаларида болаларга сабоқ бериб, шу билан бирга таърибаларини бизга юборган ва тан-

ловда голиб чиққан ўнлаб илгор қарашли муаллимлар мисолида исботлашимиз мумкин. Қолаверса, ёзувчи, журналист ва фотомуҳбирлар ҳам энг яхши деб топган ижод намуналари билан қатнаша бошладилар.

Танлов «Энг яхши бир соатлик дарс ишланмаси учун», «Энг яхши кўргазмали қурол ёки слайд учун», «Энг яхши мақола учун», «Энг яхши методик материал учун», «Энг яхши бадиий асар учун», «Энг яхши интервью ёки янгилик учун», «Энг яхши фотосурат ёки бошқотирма учун» номинациялари бўйича ҳар уч ой(кварталда) бир маротаба ўтказилди. Таҳририят ижодий ходимларидан ташкил топан таҳлил гуруҳи томонидан журналда чоп этилган энг сара материаллар аниқланди. Голиблар энг кам иш ҳақининг бир баробаридан уч баробаригача миқдордаги маблаг ҳамда таҳририятнинг махсус дипломи билан тақдирландилар.

Ҳар бир номинациянинг ўзига хосликлари бор, албатта. Масалан, «Энг яхши бир соатлик дарс ишланмаси учун» номинациясида ўзига хос услубда тайёрланган ва энг асосийси, болаларимиз билимини бойитишга хизмат қиладиган илгор педагогик технологияларга асосланган дарс ишланмалари билан ўзини фаол, маҳоратли деб билган ҳар бир ижодкор ўқитувчи қатнашиши мумкин. Бунда муаллимнинг ўзига хос тажрибаси, жоиз бўлса бошқа ҳамкасбларига ҳам оммалаштирадиган даражадаги саломқиди методикаси ҳисобга олинади. Шу пайтгача юз нафардан ортиқ ўқитувчи ва ижодкорларга мукофотлар топширилди.

«ЖУРНАЛИСТ» МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон таълими узлуқсиз равишда ривожланар экан, бу ўзгаришларни чуқур англаб, ёрита билладиган, бошқача айтганда, ихтисослашган ижодий ходимларга талба кучаяди. Даврнинг ана шу талабларини назарда тутиб, шунингдек, зарурат тутилганда журналистлар ма-



«Бошланғич таълим» журналы маҳорат мактаби аъзолари

лакасини ошириш, таҳририят учун ихтисослашган ёш кадрлар тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш мақсадида «Журналист» маҳорат мактаби ташкил этилди.

Айни пайтда биринчи тингловчилар таҳсилни якунлади. Унда таълим-тарбия мавзусига ихтисослашган ижодкорлар — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналистлар, «Энг улуғ, энг азиз», «Йилнинг энг фаол журналисти» таловлари, «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндорлари, шунингдек, «Халқ таълими аълочили» кўкрак нишони соҳиблари — таълим методикаси билимдонлари сабоқ бермоқдалар.

Х.САИДОВ, «Бошланғич таълим» журналы бош муҳаррири

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Фармон ака, «Инсондаги фазилатларда чегара борлиги аён. Лекин у шу қадар нозикки, қилча ҳаракат билан бири иккинчисига ўтиб кетиши мумкин. Масалан, ортиқча мактов — лаганбардорликка, меъёридан зиёд сўзлаш — лақмаликка, эҳтиёжга тизгин бермаслик — очкўзликка олиб келади...» деб ёзибсиз.

ТУГАЛАНМАГАН ХАТ

УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ ФАРМОН ТОШЕВГА

Ўйлаб қолдим, масалан, сиз ҳақингизда кўндан бери ёзишни ўйлаб юрбман. Яна «Сизни мақтовчилардан қочинишга интилин» деб турибсиз. Сезганингиздек, бу иктовчиларнинг «Тафаккур манзаралари» китобингиздан келтирилган. Ушбу китобни тез-тез ўқийман. Дарвоқе, унга муҳаррирлик қилганим учунки, қўлгина ибораларингиз шундоқ ҳам ёдимда.

Хуллас, айрим жумлаларни ўқигач, сиз ҳақингизда фақат танқид қилиб ёзиш мумкиндек туюлади. Мақтовга руҳсат йўқдек. Аммо шоғирларингиз сизни феълу фаолиятингиз ҳақида гапириши учун қўғоз қоралиши шартмикин? Хусусан, мен ҳам қайсибир асарингиз, ҳикоя ёки шеърингиз ҳақида баҳс-таалаб фикр тугилса, очик айтган бўлардим, хат ёзишга эҳтиёж бўлмаган... Чунки шоғирларингиз ёзадиганларингизга сўз айтишса, сарчи танқидий руҳда бўлсам имкон берасиз.

Яна ёзасиз: «Устозларни доимо йўқлаб туришни одат қилинг». Бунга ўқиниш саллари кўп айтсангиз. Ҳаётдаям, ижоддаям. Масалан, Одил Ёқубов, Барот Бойқобилов, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов билан бўлган учрашувлар, суҳбатларни вақтида қўғозга тушириб қўймаганингиз, миннатдорчилигингизни ўзларига билдириб қўймаганингиздан афсуслангансиз. Икки оғиз ширин сўз билан бирор нарсани уларнинг ҳаётини чиқариб қўймаганим, деб ўқинган пайтларингиз кўп бўлган.

Абдусад Кўчимовнинг оқибатига ҳавас қиласиз. Айтайлик, Абдулла Орипов ҳақидаги «Мен шоирман — истасангиз шу» китобини ўқиб жуда хурсанд бўлдим. «Нега шу нарсани мен ёзмадим-а?! Мен ҳам неча марта Абдулла ака билан суҳбатлашгандим-ку, нега хотираларимни, суҳбатларни «қоралаб» қўймадим?» дедингиз. Яна «ҳечқиси йўқ, Абдусад ака ёзди-ку, муҳими шу, улуғларнинг улуғлигини вақтида тани олиш керак, улар замондошларидан ранжиб кетмасин» деб қўшиб қўйдингиз.

Бир ҳафталар ўтиб, Абдусад Кўчимовга хат тарзда ёзилган мақолага битилди. Унда ўша китоб ҳақидаги фикрлардан ташқари, устоз Абдулла Орипов билан ўтган айрим учрашувларингиздан ҳам лавҳа келтирибсиз. Афсус, ўша мақола шоир ҳаётини даво чоп этилмади, ҳаляям эълон қилинган йўқ. Ваҳоланки, Сиз бу мақолани «тоши бор» марказий нашрлардан бирига жўнатганингизда, Абдулла Орипов ҳаёт эди...

Бир қувонадиган ҳолат бор. «Тошкентга борсанг, халқ тан олган устоз ижодкорларини йўқлаб кел» деб кўп айтгансиз. Мен шу йилнинг ёзида икки-уч ижодкор дўстларим билан пойтахтга атай эл танган ижодкорларнинг суҳбатини олиш учун бордим. Асосий мақсадимиз Абдулла Орипов билан учрашиш эди. Устоз билан етти яри соат суҳбатлашдик. Суҳбат тафсилотига тўлиқ тўхталмайман (бу алоҳида мақола бўлар, деган умидим бор). Гурунг асосида Абдусад аканинг китоби ҳақида ҳам гаплашдик. Ўз-ўзидан ўша китобдан тасвирланб ёзган мулоҳазаларингизнинг қисқача мазмунини устозга билдирдим. Яқин орада газетда чоп этилишини айтганимда «Ҳа, Фармон яхши йиғит. Ҳар доим ундан мардлик, танқидий кўрганман, кам бўлмасин» деб қўйди.

Устоз ўзи ҳақидаги бу мақолани ўқимади, лекин эшитди...

Бу воқеага олти-етти йилча бўлиб қолди. «Зарафшон»да мусаххаҳ эдим. Вазирам — газетанин хомакси нусхасини сизга кўришдим ва хонадан чиқиб кетмоқчи бўлдим. Тўхтатдингиз ва «Мен сени нима учун ишга олганман, биласанми?» дедингиз. Елка қисдим. Фашингиз келди. «Агар менга шунчаки, газетанинг имло хатосини топладиган ходим керак бўлса, истаганимча саводли одам топаман. Сени мустақил фикринг борлигига ишонганим, мен билан тортишимиз қўндай келади, газетанинг, керак бўлса, менинг камчиликларимни (шеър ва ҳикоялар, мақолаларингиз назарда тутилган) юзизма айти олади, деб ишга оламман...»

Ўша пайтларда мусаххаҳлар бўлишида икки йилча ишлаб қўйганим. Менинг ҳам ярим саҳифалик мақолаларим чиқмаётгани,

фамилиям газетда кам кўринаётгани учун ўзимдан кўнглим тўлмаётгани. Мусаххаҳлар бўлишидан тезроқ чиқини орзулаб юргандим. Шундан сўнг хонангизга саҳифаларни шунчаки, олиб кирадим. Газетдаги мақолаларга тез-тез ўқийман. Дарвоқе, унга муҳаррирлик қилганим учунки, қўлгина ибораларингиз шундоқ ҳам ёдимда.

2011 йил. Ўша пайтда Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилоят бўлимида жамоатчилик асосида етакчилик қилаётган эдингиз. Уюшма аъзолари, вилоят ижодкорлари ва жамоатчилик тўпланган бир йилда мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма йиллиги арафасида самарқандлик ижодкорларнинг икки жиллик тўламини тайёрлаш тақлифи билдирилди. Ва ўша китобни тўлаш ҳаммининг олдиде менга юклагингиз.

Бу дабдурустдан берилган топшириқ мени додиратиб қўйди. Ахир икки-уч нафар Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси аъзоларини танишини ҳисобга олганда, вилоятда қанча қаламкаш борлиге, чекка ҳудудларда қиллар ижод қилаётганини яхши билмасдим. Ахир бу тўплама фақат газетда кўриб турган, оз-оз қалам тебратиб юрган ижодкорларни эмас, вилоятимизнинг барча туман ва қишлоқларида, қолаверса, пойтахтга кетган танқиди самарқандликларнинг ҳам ижодини қамраб олиши кўзда тутилган.

Ҳадик билан бошланган иш бироз ўтиб менга ёқиб қолди. Турман-шаҳар газеталари муҳаррирлари билан гаплашдим, олис қишлоқлардан янги истевождлар топилди, кўринмай кетган кекса қаламкашлар шеър-ҳикоя олиб кела бошладилар. Улар ҳам хурсанд, мен ҳам. Чунки одам билан гаплашини ўргана бошладим. Юзлаб ижодкорлар билан суҳбат асосида ижодкор кўнглининг қанчалик нозиклиги, юрагининг қанчалик баҳуватлиги, дунёқарашларининг турфалиге аёнлашаркан.

Ўз навобатига, фақат исм-фамилияларини билганим — қўлаб танқиди шоир-ёзувчилар билан телефон орқали мулоқотда бўлдим, тез-тез суҳбатлашимизга тўри келди.

Икки ой давом этган меҳнатимиз — «Юртини севмоқ саодати» китобининг биринчи жидди мустақиллигимизнинг йиғирма йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Ижодда, айниқса журналистикада ўзига хос ички қондалар бўларкан. Уларни ҳамма ҳам билверини шарт эмас. Аммо баъзан улардан айримларини муҳокама этиши, назаримда хато эмас.

Масалан, ҳаммуаллифликда чоп этилган мақолаларга қўнчаки ташуунмасдим. Катта бир романи икки киши бўлиб таржима қилиш мумкин ёки бирор тарихий асарининг ҳаммуаллифликда ёзилишини ташуунса бўлади. Қизғин, газеталар саҳифаларида мақола, хатто кичик бир ахборотзамма икки-учта таъача фамилия қўйилганга ғувоҳ бўлганмиз. Одатда бундай ҳолатлар расмиётчилик учун ёки ўша таърихчи ходимлар ҳисобот топшириши зарур бўлиб қолгандагина кузатилади.

Менга бир долларб мавзуда мақола ёзишимни маслаҳат бердингиз. Яхши биласиз, биронинг топшириги билан ёзилган мақоланинг тайёр бўлиши оғир кечади. Чунки ўша мавзун аввал яхши ҳис этиш, руҳига кириш, маълумот тўплаш, қўнғида ёзишга мойиллик уйғониши лозим. Ваҳоланки, тезкор журналистика бунга қўнчиб турмайди. Профессоналлар ёзиш учун илҳомга унчалик ҳам мушторж эмас, тажрибанинг ўзи етарли. Ҳаваскор эса икки энлик гапни тузиш учун ҳам баҳона излайди, «илҳом келмаяпти» деб ўзини оқлайди. Назаримда, бу тажрибанинг камлигидан, ёзиш кўнжмасининг йўқлигидан.

Ҳар бир асарда хулоса бўлади. Шеър ҳам, ҳикоя ҳам мазмунан тусалликка эга. Аммо ҳозирча бу хатни тугаллашга кучим етмади. Бу юқориде ёзанам — тажрибанинг камлигидан бўлса керак. Қурбим етганда тугаллаб қўярман. Айбга буорманг, устоз!

Исомиддин ПУЛАТОВ

Маънавий ҳаётимиз ойнаси

НАШРНИНГ ЯНГИ СОНИ

Бугунги кунда кўплаб нашрларимиздаги ҳисобот тарзидаги зерикарли мақолалар, тақдид ва бир хиллик муштарийлар ҳафсаласини пир қиладди. Аммо миллий матбуотимизда ўз йўли ва овози бор нашрлар ҳам таллайгина. Чоп этилаётганига қўп ўтмаган бўлса-да, «Маънавий ҳаёт» журналы маънавий ҳаётимизда том маънода ўз ўрнини топди.

Журналнинг янги, 2016 йилда чоп этилган тўрттинчи сонини варақлар эканмиз, тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий мавзулардаги саломқиди мақолаларга шунчаки кўз ташлаб кўя қолмаймиз, журнал қомусий китобдай ўқилади. Чунончи, Акмал Саидовнинг «Президент савлиби: Тинчлик ва барқарор тараққиёт учун», Мадина Машрабонининг «Кўз илғамас ҳақиқат», Мусеурмон Бойхоновнинг «Қалбимда ўчмас из қолдирган кўнлар» номли мақолаларида даврнинг қайноқ нафаси уфуриб турибди. Шодмонқул Саломнинг «Маънавий қир-



қирлардан туриб», Азим Рузиевнинг «Ойим момонинг сизги кимники эди?», Матқўб Қўшжонов архивидан олинган «Ўзига илҳом ола» сарлавҳали бадиий публицистиканинг ноёб намуналари ўқувчини беэтибор қолдирмайди. Шодмонқул Салом ўз мақоласида шундай дейди: «Ҳар аскарнинг орияти қўлидаги тигилан ҳам ўткир бўлсин!» деган ўғитларни айтган соҳибқирдон Амир Темуэр ўз даврида Мовароуннаҳрдаги шаҳарларни ободонлаштириш учун қанча катта ислохотлар олиб борган бўлса, инсоннинг маънавий қомиллиги учун ундан кўра кўпроқ қайтурсан. Ота-онага, устозга, маърифат ва ҳунар аҳлига қилинадиган муомала маданиятини ўзи амал қилган ҳаётий тўтумларга асосланиб, назорат қилган. «Қайсики манзилни ишғол этмайин, бу ерда шоирлар, олимлар ва ҳунар аҳлини қадрламоқни мақсадларимдан бири деб билдим» дейди улуғ ҳақонир. Зеро, шоирлар халқ руҳини юксалтирса, олимлар жамиятнинг маърифий-маданий, ижтимоий ривожига катта ҳисса қўшадилар». «Кўлёмалар ёнмайди» руҳини остида беназир шоир Аб-


дулла Ориповнинг ўз дастхатида ёзилган шеърлари эълон қилинган. Ижодкорнинг суратлари ва қўлёмалари журнал хон қўнглига илҳом бахш этади. «Тахтламади жаҳоҳир» руҳида бундан салкам қирқ йил аввал «Гулистон» журналда чоп этилган Абу Али ибн Сино бобомизнинг ўз қўллари билан ёзилган таржимаи ҳоли нашр этилган. Уни ўқир эканмиз, «Гулистон» журналининг ёши улуғ устозларимиз кўнглидан бекорга жой олганганига амин бўламиз.

«Қалтис саволларга нозик жавоблар» сарлавҳасида шайх Абдулазиз Мансур ҳазратларининг журнал муҳлисларини қизиқтирган саволларга жавоблари эълон қилинган. Жумладан, «Туйларимиздаги исрофгарликлар ҳақида юз йилдан бери гапирилади. Лекин вазират шоярлар, олимлар ва ҳунар аҳлини қадрламоқни мақсадларимдан бири деб билдим» дейди улуғ ҳақонир. Зеро, шоирлар халқ руҳини юксалтирса, олимлар жамиятнинг маърифий-маданий, ижтимоий ривожига катта ҳисса қўшадилар». «Кўлёмалар ёнмайди» руҳини остида беназир шоир Аб-

КИТОВБИ ВА КИТОВСИЗ ДУНЁ

► ШАРҲ ҲУРИДА

Жаҳон ҳамжамияти кун сайин ривожланиб бораётган XXI асрни "техника асри", "юксак технологиялар асри", "интеллектуал тараққиёт асри" каби эътирофлар билан атамоқда. Албатта, бу гапларда тўла жон бор. Зеро, узоқ ва яқин атрофга назар солганда, бу соҳаларда оламшумул кашфиётлар яратилиб, одам боласининг ақлини лол қолдиргулик даражада буюк ишлар амалга оширилаётганини инкор этиб бўлмайди.



Бугун тараққий этган мамлакатларда завод ва фабрикалар технологик жиҳатдан электронлаштирилиб бораётгани, бадавлат оилаларнинг уйлари, у ердаги хўжалик ишларини ҳатто роботлар бошқараётгани ҳақидаги маълумотлардан хабардоримиз. Бироқ, ҳали "Бу ишларнинг ҳаммасига айнан, тафаккур, яъни китобнинг мислсиз қудрати туфайли эришилмоқда", деганга ўхшаш жўяли фикрларни деярли ўқитганимиз йўқ. Ёки биз яшаб турган асрни қайсилик халқро ташкилот бир овоздан "Китоб асри", "Китоб мўъжизалари асри" дея кўзларга кўтарганини эшитмадик.

Китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тўзиш тўғрисида"ги фармойиш бу борада энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлди, десак, муволафа қилмаймиз.

Президентимизнинг ушбу фармойиши билан танишиш асосида унча-мунча китоб ўқиб турадиган бир фуқаро сифатида мени ҳам "Хўш, мазкур фармойиш бизга нима берди, уни қабул қилишнинг қандай зарурати бор эди?", деган саволлар ўйлантиргани, уларга жавоб топиш бораборида, айрим мушоҳадаларга борганимни яширмаймиз.

Маълумки, мустақиллик туфайли юртимиз таниб бўлмас даражада тўзал ва бетакрор қиёфага эга бўлди. Қишлоқларимиздаги бугунги кулай шароит, фаровон турмуш, ўзини хос миллий ва замонавий инфраструктура шаҳардаги аҳолининг ҳавасини уйғотяпти. Барча соҳаларда ўсиш-ўзгаришлар, янгиланишлар юз бераётган, булардан халқимиз беҳад мамнун бўлмоқда, жаҳон ҳамжамияти эса ҳақли равишда эътироф этмоқда.

Ниманинг эвазига шунча ютуқларга эришилмоқда? Авваламбор, мамлакатимизда олиб бораётган оқил ва одил сиёсат, халқимизнинг меҳнати, шижоати, интилишлари, қолаверса, одамларимизнинг дунёқарашидagi ўзгаришлар эвазига. Бутун бу сўзлар ҳар бир юртдошимизнинг юрак-юртидан отилиб чиқмоқда. Бу ўринда давлат бош ислоҳотчи сифатида халқнинг асрий орзу-умидлари ва мақсадларини амалга оширмоқда.

Одамларимизнинг дунёқарашидagi бу қадар ўзгаришларнинг боиси нимада? Ҳаётдан розилигида эмасми? Розилик мақсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутулааси ва

мана шундай ҳаётий ҳақиқатларни теран аниқлаб етишимиз, юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган кенг қўламли ислоҳотлардан бири бўлди, десак, муволафа қилмаймиз.

Дунё танитган зиёлиларнинг таъбири билан айтганда, тараққиётнинг бош мезони, бу шубҳасиз, маърифатдир. Маърифатга эса китоб орқали кириб борилади. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, китоб ўқимаса, ундан маънавий озиқа олмаса ёки кўнгилнинг чексиз қатлари ва уммонларига сайру саёҳат қилмаса.

Яна бир гап. Биз яшаб турган асрга келиб, интернет бутун дунёни қамраб олди. Бу тезкор тармоқ дунёда юз бераётган янгиланишлар ва ўзгаришлардан хабардор этиш билан бирга, афсуски, одамни қабоҳат ва жаҳолатга етакловчи манбага ҳам айланиб бораётган. Эндилкида ҳеч ким бу хавотирли оқимини тўхтатишга қурб етмаслиги, орага мустаҳкам девор қўйиб, бири-бирига тоза ҳавонинг ҳам йўлини тўсиб қўйиш мумкин эмаслиги кундан-кунга бўлиб қолди. Шу билан бирга, уяли алоқа тизими ҳам инсониятни, айниқса, ёшларни ҳар хил касалликларга гирифтор этаётгани ҳам сир эмас.

Биргина мисол — ҳозир кенг оммалашган "селфимания" дардида чалинганларга эътибор қаратайлик. Уяли телефон орқали турли мамлакатлардаги ўғил-қизлар ҳар хил кўринишларда, турли макону масканларда ўзларини қайта-қайта сураётган, "телеграм", "инстаграм", "фейсбук" сингари тармоқларга жойламоқда. Мутахассислар бундай ҳолатлар кишида эгоистлик, яъни, фақат ўзини ўйлаш ва ўзини кўз қилиш, ўз манфаатини бошқаларникидан устун қўйиш

каби зарарли оdatларнинг урчиб кетаётгани билан боғламоқда. Энг ёмони, ҳали она сути оғзидан кетмаган, оқ билан қорани ажрата билмайдиган айрим гўр ёшларнинг айнан уяли телефондаги ана шу тармоқларда Сурия, Афғонистон, Ироқ каби чет давлатларда хору зор санғиб юрган аллақандай тўдаларнинг аъзолари билан ёзишиб, уларнинг ёлгон вадаларига ишониб, пуршаймондан қаттиқ азият чекаётганини телевидение ва матбуот кўрсатмоқда.

Нега шундай бўлмоқда? Нима учун айрим ёшлар шу йўлда ўз келажагини кўрмоқда? Бу ишларни онгли равишда амалга оширишми? Ўйлаб қолсан, киши. Ахир ота-болаларимиз бизни етти ўлجاب бир кесилга ўргатишган. Бунинг учун эса фикримизни тарбиялаган, тафаккуримизни шарҳлаган. Буларнинг барчасига китобхонлик орқали эришган.

Яқинда бир китобдан кишини қаттиқ ўйга толдирувчи маълумотларни ўқиб қолдим. Унда қайд этилишича, порнография саноати 2006 йили дунё миқёсида 97,6 миллиард дол-

Мақола сўнгидa ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани эслаб ўтсам. Фармойиш матбуотда эълон қилингандан сўнг айрим зиёлиларимиз, айниқса, адибларимиздан "Мана энди ёзувчиларимизга яхши бўлди, уларнинг ижоди янаям гуркирайди-да энди" деганга ўхшаш фикрларни эшитдим. Менимча, бу гапларга тўла қўшилиб бўлмайди. Тўғри, бундан буён нашриётларнинг фаолияти сезиларли даражада жонланиши табиий. Ёзувчи аҳлининг бадиий жиҳатдан пишқ-пухта асарларига бўлган талабнинг кучайишига ҳам шубҳа йўқ. Бироқ маънавий ҳар бир инсон учун сув ва ҳаводaй кераклигини ҳисобга олиб, бу фармойиш фақат ижодкорлар эмас, балки бутун бир миллитимиз, керак бўлса, жамиятимизни ҳар баҳада янада юксалтириш учун хизмат қиладиган катта бир воқеа бўлганини айтгим келади. Зеро, маънавий ҳаётимизга янгича мазмун, кишига хуш ёқувчи бегубор шубада кириб келди. Ва бундан бутун дунё аҳли ҳам баҳраманд бўлишини жуда-жуда истардим. Чунки китоб тутган қўллар ҳеч қачон қуролга интилмайдди.

Тоҳир ШОМУРОДОВ

► БУ ТУРФА ОЛАМ

УЗОҚ ПАРВОЗЛАР САЛОМАТЛИККА ТАЪСИР ЭТАДИМИ?

НАСА бу гал ўзгача тадқиқот ўтказди. Лойиҳа узоқ космик парвозларнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганишга бағишланган. Эгизак астронавтлар Скотт ва Марк Келли тажрибада иштирок этди. Скотт бошқа космонавтлар билан 340 кунга халқаро космик станцияга йўл олди, Марк эса Ерда қолди. Бир хил ген кўрсаткичларига эга бўлган эгизаклар олимларга яқин вақт ичидaги тадқиқотлар учун қўлаб тиббий маълумотларни тақдим этди.



Одам хромосомаларида теломерлар мавжуд бўлиб, ҳужайра ҳар гал бўлинганида, улар қисқариб боради. Бу кесис давом этмайдиган жараён ва қаришга олиб боровчи омилардан бири ҳисобланади экан. Олимларнинг таъкидлашича, саёҳат вақтида Скоттнинг тана ўлчамлари Маркникига нисбатан зууллашган. Астронавт Ерда қайтанидан сўнг, қисқа вақт ичидa унинг тана ўлчамлари яна аввалги ҳолатига қайтган.

Ака-уканинг ДНКларида яна айрим фарқлар ҳам аниқланган, бироқ маълум вақтдан сўнг кўрсаткичлар аввалги ҳолатига қайтган. Бу нимани англатиши ҳозирча олимларга номаълум. НАСА бу борада бошқа астронавтлар билан тадқиқотлар ўтказишни режалаштирмоқда.

Нисбийлик назарияси доирасида Эйнштейн ёруғлик тезлигига яқин тезликда ҳаракатланишда вақт секинлашади, деган хулосага келган. Демак, космик кема бортида бир йил ўтказган Скотт бироз ёшроқ бўлиши мумкин. Албатта, халқаро космик станция ёруғлик тезлигидa ҳаракатланмайди, бироқ, яқин вақт ичидa, тажриба натижалари одамнинг қариши ҳақидаги саволларга аниқлик киритиши мумкин.

ФИКРНИ ҲҲИДИГАН ҚУРИЛМА

Швейцариялик олимлар тилдан қолган беморларнинг миясидаги фикрларни ўқийдиган ускуна ихтиро қилишди.

Компьютерлаштирилган дастурий таъминот билан жиҳозланган қурилма инсон миясидаги қонинг кислород микдорини аниқлайди ҳамда буткул фалажланиб, гапиролмайдиган беморлар фикрларини ўқиб орқали мулоқот ўрната олади.

Олимлар тўрт нафар беморда қурилмани синовдан ўтказишди. Улар бутунлай фалаж ҳолга тушган бўлиб, кўзлари ёрдамида ҳам мулоқот қилишдан маҳрум эди. Беморлар ўзларининг фикр тўқиллари орқали саволларга «ха» ёки «йўқ» жавобини беришган.

Қурилманинг муваффақият қозониши лойиҳа муаллифларини ҳам ҳайратга солган. Швейцариядаги "Висс" биология ва невроинженерия марказида тадқиқот олиб бораётган Нилс Бирбаумернинг фикрича, эндиликда тўлиқ фалаж ҳолатига тушган беморлар мулоқот имконидан маҳрум бўлмайди.

Ускуна беморларнинг жавоблари «ха» ёки «йўқ» бўлишини бош миядаги қон ҳаракати ва кислород айланишини ўлчаш орқали аниқлайди. Тажриба натижасида берилган 10 та саволдан еттичасида жавоб тўғри тушунилгани маълум бўлди. Олимлар мазкур қурилмани янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда.

ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА АЙЛАНТИРАДИ

Ўтган йили Исландияда бошланган дунёдаги энг чуқур вулқон қудуғини қазини ишлари ниҳоятга етди. Қудуқ чуқурлиги 4659 метрга тенг бўлиб, унинг ичидaги ҳарорат 427 даражани, босим эса 340 барни ташкил этади.

Мутахассисларнинг фикрича, босим билан боғлиқ кўрсаткич туйнук диаметри кенгайиши билан ҳамоҳанг тарзда ўсиб бориши мумкин. Қудуқ сўнгги бор 700 йил аввал вулқон отилган Рейкянес ярим оролида жойлашган. Аввалига қудуқни беш минг метргача қазини режалаштирилган эди. Бироқ босим ва ҳарорат



ниҳоятда баланд бўлгани боис, мутахассислар қазини шу чуқурликда тўхтатишга қарор қилди. Ушбу лойиҳа ер остидaги иссиқлик энергиясини электр қувватига айлантиришни кўзда тутди. Мутахассислар фикрича, чуқурликдан чиқувчи буг ер устига яқин геотермал манбаларга нисбатан 10 баробар кўп энергия бера олади.

Интернет материаллари асосида Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

"Elitex group" МЧЖ ўз устав фондидaги 456 000 000 сўмдан 260 277 000 сўмга камайитганини маълум қилади.

Ушбу масала юзасидан даъво ва мурожаатлар билан бир ой мобайнида қуйидаги телефонга мурожаат қилиш мумкин: Тел: +99899848-44-45.

Тошкент шаҳар Шайхонтоғру тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 4-уй, 37-хонадонга тегишли уй-жой кадастр режаси йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Жанубий Америкадаги фаройиб ўлка

► ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

Оловли Ер оролининг гарбий қисмлари, Патогония текислиги, майдони 105 минг квадрат километрни ташкил этувчи улкан Атакама чўли... Гап қайси мамлакат ҳақида бораёпти деб ўйлайсиз?



Жаҳон харитасига назар ташласангиз, унинг чап томонида, Америка қитъасининг энг қуйи чекка қисмида узун бир мамлакат тасвирига кўзингиз тушади. Харита масштабига қараб, унинг узунлиги тўрт-беш минг километр, эни тўрт юз-беш юз километрлар эканини пайқаш мумкин. Бир қараганда ингичка, кичкина давлат бўлиб кўринадиган бу диёр аслида худуди жиҳатидан дунёнинг энг йирик мамлакатларидан ҳисобланади, яъни майдони 756,9 минг квадрат километр. Аҳолиси эса аллақачон ўн етти миллиондан ошган (2013 йилда 17 216 945 киши бўлган).

Ашамдингиз, бу Чили Республикаси. Навбатдаги "жуғрофий саёҳат"имиз айнан ушбу ўлкага бўлади. Чили деганда хаёлимизга биринчи гада машҳур Атакама саҳроси, Анд тоғлари келади. Табиат ҳақидаги ҳужжатли

фильмларда кўргансиз: Атакама — мамлакат шимолини эгаллаган улкан саҳро... Пурвиқор Анд, баландлиги 6880 метргача бўлган осмонўпар чўққилар. Йўқ, бугунги Чили фақат ажабтовур табиати, рельефи ёки вулқонларига эътибор билангина машҳур эмас. Балки, ўзининг саноати, ривожланаётган иқтисодиёти билан ҳам маълум ва машҳур. Яъни ички мақсулотда саноатнинг улуғи 38,8 фоизни, қишлоқ хўжалиги ва бадиқчилик 6,4 фоизни, хизмат кўрсатиш тармоғи эса 54,8 фоизни ташкил этади.

Чили фойдали қазилмаларга ҳам бой. Хусусан, мис қазиб олиш бўйича етакчи давлатлардан ҳисобланади. Шунингдек, олтин, қумуш, молибден, темир рудаси, тошқумир, табиий газ ва табиий селитра конлари бор. Машинасозлик, қора ва рангли металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, цел-

люлоза қоғоз саноати ривожланган. Жанубий Америка материгининг бошқа материклардан битта асосий фарқи бор. У ердаги Бразилиядан бошқа барча мамлакатларда турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилса-да, давлат тили испан тили ҳисобланади. Ягона тил маданиятлар ва қадриятлардаги ўхшашликни таъминлаган ягона унсур эмас. Испан тилида сўзлашувчи жанубий америкаликларни тарих ҳам бирлаштириб туради. Қўлаб қўшилари сингари чилликлар ҳам кўп асрлар давомида мустамлакачиликдан азият чеккан. Мамлакатнинг туб аҳолиси саналмиш ҳиндулар ўз ерларини ҳар-

чанд ҳимоя қилмасин, Европа истилочларига қаршилик кўрсатиши уларга мушкул эди. Дастлаб, XV асрда мамлакат шимолини инклар эгаллаб олган бўлса, XVI асрнинг 30-йилларида испан конкистадорлари бостириб кирди. Узоқ йиллик азоблардан сўнг, маҳаллий аҳоли 1810 йил июлда испанлар зулмига қарши исён кўтарди. Бир неча йил давом этган курашлардан кейингина Чили тўла мустақилликка эришди.

Айни пайтда Чили дунёнинг тенг ҳуқуқли ўлкаларидан бири. 1945 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси. Давлат тузуми Республика, конституцияси 1980 йилда қабул қилиниб,

1981 йилдан кучга кирган. Пойтахти Сантьяго шаҳри (аҳолиси 5,5 миллион киши).

Аҳолисининг 90 фоизини чилилар ташкил этади, қолган қисми кечу, араукан, аймара ҳиндулари ва бошқа миллат ва элат вакиллари.

Меҳмондўст, бағрикенг Чили халқи санъатни, адабиётни жуда севди. Масалан, унинг музикаси кўп асрлик тарихга эга. Бу санъат тури мамлакатнинг тубжой аҳолиси, хусусан, арау-


Ҳозир Ўзбекистон Чилига енгил саноат мақсулотларини экспорт қилмоқда, диёримизга келаятган чилилик сайёҳлар сони кўпаймоқда. Келажакда бу ҳамкорлик миқёси янада кенгайиши кутилмоқда.

Интернет материаллари асосида Элмурод МАҲМАРАЙИМОВ тайёрлади.

ЖОНБУЛОҚ, ЖОЗИБАСИ

►ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДАН ДАРАКЛАР

Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида Жонбулоқ деган қишлоқ бор. Бу ҳудуд номи кўпчиликка таниш бўлмас керак. Чунки у қир-адирлар, тепаликлар орасида, шаҳар марказидан анчагина узоқда жойлашган қишлоқ. Аҳолиси ҳам кўп эмас. Навоий шаҳридан бу ерга ҳар кун ийнашли таксилар қатнайди. Бундан бир неча йиллар аввал уларни ҳафтанинг бир кунидagina учратиш мумкин эди, холос. Қишлоққа иш билан ёки қариндошларини кўришга келадиганлар ўзларининг шахсий автоуловлари бўлса ҳам, йўловчи транспортлардан фойдаланишади. Нима учун дейсизми? Бунинг сабаблари куйидагича...



Болагимдан Жонбулоққа тез-тез бориб турарман. Чунки бу ер отам туғилиб воғта етган макон. Кўпчилик қариндошларимиз, жумладан, бувим ва бувам ҳам шу ҳудудда истиқомат қилишади. Ҳар ёзда отам "қишлоққа бориб келамиз", дейиши билан юрагим "шув" этиб кетади. Сабаби йўл азобларига зўрға дош берарман. Яна қанақа йўл денг? Айтганимдек, Навоий шаҳрига бирор транспортда етиб келган, Жонбулоққа қатнайдиган уловлардан бирига ўтирамиз-да... кетаверимиз... кетаверимиз... Шаҳар марказидан қандай қилиб яйлоқ йўлга ўтиб қолганимизни билмай ҳам қоламиз. Хоҳ ўнган, хоҳ чапга қаранг, ҳаммаёқ бийдек дала. Тўғрига назар ташлаб, йўлнинг охиридан яқин соатларда дарак бўлмас керак, деб ўйлай бошлаганимизда, энди қир-адирларга кўзингиз тушади. Ўнқир-чўнқирликдан силкинди, силкинди кетаверасиз. Дам тепага чиқасиз, дам паст-

га тушасиз. Баҳор кунлари табиат яшилликка бурканганда, ён-атрофни томоша қилишингиз мумкин. Шунда ҳам тарқоқ ўтлаб юрган қўй-қўзи ёки бири-бири кўриниб қоладиган одамларни учратасиз. Бўлмаса, бир нуқтага тикилиб, хаёл суриб кетишдан бошқа илож топмайси. Қир-адирлар ортда қолган, тошлоқ йўлга навбат келади. Олдий резина балон бунга қандай дош беришга ҳали-ҳануз ҳайронман. Айтишларича, бундан анча йиллар олдин янги, асфальт йўл қуриш учун бу ерларга тош ётқизиб чиқилган. Лекин тўсатдан келган сел тўғайли иш охирига етказилмаган. Ундан бир неча километрларгача чўзилган тошлоқ йўл "мерос қолган". Бу йўлни ҳам босиб ўтган, отамнинг "ана, Жўшга етиб келидик", деган овози эшитилади. Мен "Жўш" сўзи (у ҳам қишлоқ номи) кўлоғимга чалиниши биланоқ хурсанд бўлиб кетаман. Чунки шундан сўнг бир неча дақиқа ичида (ҳар ҳолда менга шундай туюлади) кўзлаган манзи-

ганларидан ҳайратланаман. Ён-атрофида бирорта ташкилот, кўйинг-чи, ҳеч қандай касалхона ёки тиббиёт пункти ҳам мавжуд бўлмаган ҳудудда қандай яшаш мумкинлигини менга ўхшаганларнинг тасаввур қилиши қийин бўлса керак. Ойимнинг айтишича, қушим бешинчи фарзандини дунёга келтириш чоғида марказдаги касалхонага етиб боришга улгурмаган. Йўлда, машинада туғилган чақалоққа "Йўлмурод" деб исм қўйишган.

Жонбулоқдаги энг ноёб неъмат бу — Жонбулоқ, Ҳаҳа, нотўғри эшитмадингиз. Қишлоқ шу ерда кўз очган булоқ номи билан аталган. Унинг суви шунчалик тоза, ширин ва муздекки, қайта-қайта ичсангиз ҳам қонмайси. Даламнинг айтишларига қараганда, булоқни қишлоқликлардан илк бор бувамнинг отаси Жума бобо топган экан. Ҳар боришимизда бизга шу сувдан "чалоп" тайёрлаб беришади. У ичдаги иссиқликни олади, дейди бувим. Ҳақиқатан, жазира-мада тоблиниб, терлаб келиб, чалоп ичиш жоннинг роҳати. Айниқса, янги узилган тандир нонни тўраб ейишга ҳеч нарса тенг келмайди. Агар сиз ҳам бирор сабаб билан бу ерларга келиб қолсангиз, булоқдан баҳраманд бўлишни унутманг.

Хуллас, сув қуйгандек жимжитлик, табиат қўйни, тоза ҳаво, солда одамлар, тўйимли овқатлар... Жонбулоқда буларнинг барини бемалол топасиз. Аммо уяли алоқа воситасидан фойдаланиш учун керак бўладиган тўлқинни қилириб овора бўлманг. Бунинг учун атрофдаги урта тепаликдан бирига чиқшингизга тўғри келади.

Кумушбиби ЭРМАМАНОВА, ЎзДЖТУ талабаси

►БУ ҲАМ БИР ГАП-ДА!..

Остонада ўтирма, ўлим қақирасан. Вой... Нақадар, кўрқинчи гап! Юрагинг орқага тортиб кетади-я. Буни эшитиб ёзувчи Абдулла Қодирийнинг: "Кишига кулоқ керакми, йўқми? Бир камбағални ҳадеб эза беришми ё бир чимдим-икки чимдим инсоф ҳам лозимми?", — деган гапи ёдга келади.



Исонни коинотнинг олий мўъжизаси қилиб кўрсатилган ҳам, кўлмакда қуруқ ваққилашдан бошқа ярамайдиган қурбақа аҳволига соладиган ҳам, унинг тилидир. Бу ҳақда кўп гапирилган. Кўп гап эшакка юк деганларидек, гапнинг индаллосига ўтас.

Ҳар бир қаро кўзга маълумки, шаҳарда ўқийдиган ва ишлайдиганлар қиши таътилда, томини қор қоплаган, эртাকা айланган қишлоқга қайтиси келади. Чунки қишлоқ ҳангомага бой, шов-шувларга тўла маскан.

Курақда турмайдиган гийи-бидилар ҳам айнан шу ерда учраб туради.

Юрган дарё, ўтирган бўйра деганларидек, кўчаларни яёв кезиб, кишиларнинг гурунгларини эшитиш завқи ўзгача. Айниқса, аёзбобонинг қаҳратон соғувига бир пиёла аччиққина кўк чой билан бўлса, суҳбат янада қизиқиб. Шундай кунларнинг бирида, меҳмондорчилик баҳонасида йўлга отландим.

Кўнанинг торғина йўлакларни бўйлаб юрганга мол, қўй, эчкидан тортиб, ит-мушуккача кўзинг тушади. Қишлоқнинг қоқ ўртасидаги кўприқда ёввойи мушукларнинг йиғилдиган жойи бор. Кўприқдан ўн қадам босмасдан, "лип" этиб бир мушук ўтиб қолди. "Ҳой, ука, тез орқанингизга қайтинг, фалокатга дучор бўласиз" деган овоз кўнлимга хавотир солди. Фалокат. Кўк дарвоза томондан келган қалғи овоз яна қўшиб қўйди: "Олдингиздан мушук кесиб ўтдим, етти қадам орқага юринг. Ит ўтса хотиржам олдинга юраверинг. Мушук фалокат, ит оқ йўл тилайди."

Эй, қойил. Балки оппоқ тулпор ўтиб қолар. Шунда омадим келиб қолар-а?..

Бу ҳам майли. Кеча меҳмонга қақирган Бектемир газетчи уйига кирар эканман: "Супургингни дегирга суяма, фалокат келади" деган овоз чалинди ичкаридан. Ёпирай, яна фалокат..

Бошда дўпни кийганим чаток бўлиди-да, нукул бошим фалокат сўзидан чиқмай қолди. Меҳмондорчилик бошқа сафар бўлар. Уйга қайтдим. Йўл-йўлакай бозорга бориш ёлмига тушиб, синфдошим Акмалнинг уйи томон бурлдим. Дарвоза остонасида уни қақирдим-да, йўл юриш толиқтирди, шекилли, остонада ўтириб қолдим.

Бир маҳал ҳаллослаб Боқи амаки югуриб келди. Нима эмиш: "Остонада ўтирма, ўлим қақирасан". Гапини қаранг! Бозорга бориш ҳам бошқа кунга қолди.

Қани эди ушбу воқеалар ёлгон ёки тўқима бўлса. Тилдан чиққан чипқон мисоли қўнғилга гўлгула солувчи ирим-сиримлар кишиларнинг онгига сингиб улгурган. Урчиб илдириш отган. Илмсизлик, бефарқлик ботқонига ботирган.

Ушбулар ҳақида кўп бора эшитганмиз, кўрганмиз, ўқиганмиз ва гувоҳи бўлганмиз. "Кеч бўлганда тирноқ олма", "Сафар ойда тўй қилма, сафарга чиқма, иш бошлама", "Фолга ишонма, фолсиз юрма", "Тушинга ўлган ота-онанг кирди-ми, жонлиқ сўйиб, элга тарқат" каби иримлар кишини кўрқитади. Айтувчининг тилини куйдириб, ёнидагиси қўнғилга чўғ ташлайди.

Фикр юртайлик. Муқаддас китобларимизда, хусусан, ҳадисларда ҳар нарсалар шумланиш қораланганлиги, банда учун ҳар бир ишни яхшилиқка йўлиш суннат эканлиги айтилган. Ҳар нарсалар шумланиш, мусибатни кимгадир тўнқаш онгли мавжудот қиладиган иш эмас.

"Душанба — оғир кун" дея танбаллик билан ўйлаб топилган бундай иримлар маънавий касалланга олиб келади.

Бу мавзуга доир яна бир жиҳат бор. Айтилик, бир хонадонда соғуқ маърақа бўлди. Уй эгалари мотамзада кайфиятда ўтирибди. Шундай пайтда, бошига оғир жудулик тушган хонадон аҳли қилмаслиги керак бўлган ишлар рўйхатини айтиб беришади. Тухум ема, ерни тепма, олов ёқма ва ҳоказо. Киши руҳан эзилб турганда бу тақдирлар янада баттар қўнғилга гўлгула солади.

Шунингдек, одамлар орасида егуликларга оид турли қарашлар ҳам борки, уларни эшитиб ҳайрон қоласан, киши. Жумладан, пиёладаги чой устига чой қуйилса, эри ёки хотини ташлаб кетади; таъзия бўлган хонадонда лағмон қилинса мусибат чўзилади; шафтолини иккига бўлиб еб бўлмайди ёки ноннинг ўртасини еса, шаҳарнинг ўртасига келин ёки кувё бўлади каби қарашларни эшитганда беихтиёр иштаҳа йўқолади. Ноннинг ўртасини ейиш ҳақидаги ирим бир ҳудудда, шаҳар ўртасида келин ёки кувё бўлиши сифатида қаралса, бошқа ҳудудда бахтсизлик сифатида олади олинади.

Ўрта ёшли кишилар тилидан чиқадиган ушбу ирим-сирим ва одатлар, улғайиб келадиган болалар онгига аста-секин ўрнашиб боради. Ким айта оладики, буларни вақти келиб ўз фарзандига айтмайди деб? Ҳар бир ота-она, бобо-буви, ака-опа йиғилганда китоб мутолааси, топшимоқ-матал айтиш, мақоллардан фойдаланиш, ҳикматли сўз ва иборалар ҳақида суҳбатлашса тилимиз янги сўзлар билан бойийди-ку! Нутқимиз равон, фикримиз кимнидир хурсанд этади. Мабоодо, онгимизда "Бу масала эътибор қаратишга арзимайди", деган хулоса келса, ҳеч шубҳасиз, фарзанд тарбиясида ютқазиниш тайин. Чунки, ҳеч қачон фарзанд маънавий камолотида арзимас гап, аҳамиятсиз нарсанинг ўзи бўлмаган.

Сўз аввалини "Остонада ўтирма, ўлим қақирасан" деган, ибората айланган жумла билан бошлаган эдик. Сўзимиз тугалда ҳам халқимизнинг бир оdatини эста олсак хато бўлмас. Дастурхон ёзиб, элга ош бериб, тўй қилсак, тўйбоши остонада туриб меҳмонларни кутиб олади. Ёки уйда меҳмон келган ҳар бир ўзбек хонадон "қадами кулгўр келин" дея пойига пойандоз тўшаб, меҳмонни эъзозлайди. "Ватан остонадан бошланади" деган мақол ҳам бежиз айтилмаган. Агар киши қўнғилдаги яхши нияти тилига қўчса, фаришталар омин ўқийди, деган ҳикमत ҳам бор. Зеро, "Минг бора айтандан кўра, бир бора амал қилмоқ лозим. Шунда иримлар тилимизни куйдирмайди, дилимизга чўғ ташламайди.

►БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Яқинда бир тадбиркор дўстим кредитга мол олиши учун қафил бўлишимни сўради. Иштимос, қафиллик шартномаси ва мажбурияти ҳақида маълумот берсангиз.

Тошкент вилоятидан Шавкат Раҳмонов.

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 292-моддасига кўра, қафиллик шартномаси бўйича қафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб бериши ўз зиммасига олади.

Қафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклда ривож қилмаслик қафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Қардор қафиллик билан таъминланган мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қафил ва қардор кредитори олдида солидар жавоб беради, башарти қонунда ёки қафиллик шартномасида қафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши кўзда тутилган бўлмаса.

Башарти, қафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қафил кредитор олдида қардор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан, фоизлар тўлайди. Қарзини ундириб олиш бўйича суд чикимларини ва қардор мажбуриятини бажармаганини ёки лозим даражада бажармаганини тўғрисида кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Агар қафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, биргалашиб қафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар. Шунингдек, сизга, халқимизнинг "етти ўчоқ бир кес" деган мақолини ҳам маслаҳат ўрнида эслатиб ўтишни жоиз топдик.


Саволга Зағиёта туман 12-сон ДНИ нотариуси Сардор КАРИМОВ жавоб берди.

Виртуал "қармоқ" қа илиниб, доғда қолманг

►МУЛОҲАЗА

Яқинда бир танишим ижтимоий тармоқда реклама қилинаётган "фуллипс" ҳақамасини сотиб олмоқчи эканини айтиб қолди. Бу матоҳ лабни шишириб, катталаштирар эмиш. Таажжуб, бундай мослама унга нима учун керак бўлди экан, деб ўйлаб қолдим. Ҳазиннинг табиий хусни бинийдек бўлса, лабни шиширишдан мақсад-муддао нима? Хўп, шундай қилди ҳам дейлик, у ҳолда сунъий лаб билан оиласи, яқинлари, айниқса, ота-онасининг кўзига қандай қарайди? Уят, ор-номус туйғулари шу тахлит йўқола бормайдими? Бунинг устига соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатиши тайин.

ёхуғ "Фуллипс" гарғи



Авалло, ОАВга нисбатан виртуал маконда, айниқса, "Телеграм" ва "Инстаграм" саҳифаларида реклама жойлаш даярли маблағ талаб қилмайди. Бугунги кунда аксарият ижтимоий тармоқларни мобил телефонга юклаб олиш қийин иш эмас, албатта. Демак, маҳсулотни реклама қиладиган фирмалар учун ҳам миждо "илинтириш" мушкуллик туғдирмайди. Камига виртуал маконда "Лайк" белгисини босиш, янгиликларни тармоқдаги дўстларга, таниш-билишларга улашиш, бу билан ўша маҳсулотга нисбатан қизиқишини ошириш имконияти ҳам мавжуд. Бу эса компаниялар учун реклама бюджетини тежаш, бор эътибор ва маҳоратни арзонтаров ижтимоий тармоқларга қаратишга замин яратди. Миждолар учун бир қатор қўлайликларнинг яратилиши, жумладан, буюртма қилинган маҳсулотни исталган жойга ет-

казиб бериш хизмати ёки терминал ва click орқали пул тўлаш қабилир ҳам аксар ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг эътиборини ўзига қаратмоқда.

Ижтимоий тармоқлардаги, айниқса, "Телеграм" ва "Инстаграм"даги реклама саҳифаларининг аксариде "хизматлар лицензияланган" ёки "маҳсулот сертификатланган" каби қафолат жумлаларини топиш мушкул бўлиб қолди. Билмасизки, ҳеч бир хизмат ёки маҳсулот назоратдан четда қолмайди. Хўш, шундай экан, нега сифатсиз бўлса-да, ошиғи олчи "Фуллипс" каби маҳсулотлар бемалол ўзбек бозорига кириб, кўплаб харидорларнинг саломатлигига зарар етказаяпти? Янада таажжубли жиҳати, бу каби сифатсиз маҳсулотлардан келадиган зарарни қайси валломаат қоплайди? Афсуски, муаммонинг бу томонлари хулласаволлигича қолмоқда.

Истаймишимиз-йўқимиз, бирор маҳсулот хизмат қиладиганимизда, унинг рекламаси бор ёки йўқлигига кўпроқ қизиқамиз. Бу ҳам рекламанинг ишонч онгига ўзига хос таъсир этиш усулидир. Аслида, реклама тақлиф этиладиган маҳсулотнинг камчилигини яшириб, афзаллигини ошириб кўрсатишини унутмаслик лозим.

2011 йилда ижтимоий тармоқларнинг биринга реклама қилган даромади 5 миллиард АҚШ долларидан ошган. Ваҳоланки, 2007 йилда даромади 1,2 миллиард долларга тенг эди. Айни кундаги фойдасини эса чамалайверинг.

Кайта гаплашиб кўрдим, у эса мосламанинг рекламасига тобора қизиқиб, буюртма беришга ошқарди. Албатта, мен унга юқоридаги саволларни бердим. У сўзларимга парво қилмай, рекламада алоҳида келтирилган "соғлигингиз учун безарар", "ҳеч қандай жарроҳлик амалини" "арзон"лигини, қолаверса, исталган жойга етказиб бериш хизмати мавжудлигини рўқач қилиб, оғзимни ёпди.

Биргина у эмас, кўплаб қиз ва аёллар ушбу маҳсулотга ружу қўйганини ошқ айтиш лозим. Ачинарлиси, улар оравла ҳали оқ-қорани фарқлай олмайди, "оммавий маданият"нинг зарарли оқибатлари ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаган ўзбек қизлари бор. Интернетда бу маҳсулотдан фойдаланиш оқибатида россиялик бир қанча ёш қизларнинг аянчи аҳволга тушиб қолгани ақ этган хабарлар ва суратлар пайдо бўлди. Уларни кўриб, азбаройи кўрқиб кетдим. Кўз олдида намоён бўлган суратлардаги қизлардан бирининг лаби ҳаддан зиёд бўртиб кетган, бошқа бириникига яра-чақа тошган. Хуллас, механик усулда лабларни катталаштирувчи ушбу мосламадан фойдаланиб, аянчи аҳволга тушиб қолган қизларга раҳмингиз келади.

Эътиборимни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида яшовчи 25 ёшли Нада исмли қизнинг абор, бирор кўрса кўрқиб кетгудек даражада хунук

Интернет сайтларига кирувчилар сони тобора ортиб бораётган бир пайтда "Юздаги ажин ва қора доғларни йўқотди", "Хуснбузарлардан халос этади", "Ошиғи ёрдам беради", "Иммунитетни оширади", "Бўйни ўстиради", "Сочни мустаҳкамлайди" кабилидаги "қафолатли" ваъдалар кўпайгандан-кўпайиб, сизнинг ҳам саҳифаларингизни эгаллаб олаётгандир, эҳтимол. Уларни ўчириб ташлаш ёки қабул қилмаслиқнинг иложи бўлмаса-да, ундан қимояланиш, ёлгон ва арзон тақлифларга учмаслик ўз қўлингизда. Ниятимиз, қармоққа илиниб, доғда қолманг! Акс ҳолда, зарар етгудек бўлса, ўша қафолат берувчининг ўзини ҳам, манзилларини ҳам топа олмайси. Хайриятки, ўша алданган қизлар суратини кўрган дугонам, ниятидан қайтди. Сиз ҳам бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришингизга ишонаман.

Гўзал МАЛИКОВА

Мухаммадали МАМАДАЛИЕВ

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

ЮКСАК ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ



УЛУҒЛАР ЗИКРИДА

Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доврғини дунёга таратган улғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади.

Ислом КАРИМОВ, ўзбек давлат арбоби

Бобур — дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тadbиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган. Мард, жасур, истеъдодли лашкарбоши, раҳмдил, шафқатли, идеалист ва ҳаёлараст, шу билан бирга, у ҳаракатчан, ўз ишини давом эттирувчиларнинг садоқатига сазовор бўлиш учун интилувчи одам бўлган.

Жавоҳарлаъ НЕҲРУ, ҳинд давлат арбоби

Жаҳон маданиятига ўзининг бой мероси билан улкан ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарлари мана 500 йилдан ортиқ давр мобайнида халқимизнинг маънавий юксалишига, уни дунёга танитишга хизмат қилиб келмоқда.

Бобурнинг шоҳ асари — “Бобурнома” турли соҳа олимлари учун қиматли манба бўлиш билан бирга, миллий маънавиятимизнинг ноёб дурдонаси сифатида халқимиз таваққурунинг ўзига хос жиҳатлари, кўҳна қадриятларимиз, шонли тарихимизни бамисоли тиниқ кўзга каби акс эттириб туради.

Сандбек ҲАСАНОВ, филология фанлари доктори, профессор

Заҳириддин Бобур — Шарқдаги Уйғониш даврининг энг атоқли сиёсий ва маданий арбобларидан биридир.


Сергей ТОЛСТОВ, рус шарқшуноси

Бобурнинг хотиралари бир аскарнинг ҳарбий юриш ва чекинишлари ҳақидаги оддий кундалик дафтар эмас; бу хотираларда Шарқ адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, одамларни синчиқлаб ўрганадиган, улар ҳақида ҳолис ва одил фикр юрита оладиган мутаассир қалб эгасининг дунё ҳақидаги шахсий таассуротлари ва нозик фикрлари берилган.

Унинг ўз қиёфасини чизишдаги самимийлиги, фазилат ва нуқсонларини ҳам мардона тасвирлаши, очиққўнғиллиги, ҳаққонийлиги ва ажойиб ҳазилкашлик туйғулари бу гўзал хотираларнинг қадри ва аҳамиятини янада оширади.

Лейн ПУУЛ, инглиз бобуршуноси

Ҳар қандай синонга бардош бера олувчи, ирода ва матонатли мужассамлаштирган бу зот ўзида ҳарбий ҳайла ва жасоратни уйғунлаштира олар, зарур бўлганда жазолашга ҳам, афв этишга ҳам қодир эди; у истеъдодли ҳарбий арбоб ва ишнинг кўзини билладиган, қўшинларни моҳирлик билан бошқара оладиган, уларнинг ишончини қозона оладиган саркарда эди...



Жаҳонгир мирзо Бобур ҳузурда (в. 3 а)

Эҳтиёткор давлат арбоби бўла туриб, у ҳар қандай майда нарсаси ҳам эътибор берар эди. Бу шоҳ фақат фотиҳ бўлибгина қолмай, яратувчи-бунёдкор ҳам эди. Авлодлари орасида Султон Акбар ва Аврангзебдек унинг ўзи каби мумтоз зотлар кам учрайди.

Маълумки, бундай ақл-заковат соҳиб ҳаётда ашаддийлик, кескинликни рад этади. Шу боис Бобур ўзининг дабдабалардан холи, оддий ҳаёти билан турли кишиларни ўзига жалб қилган. Ҳазил-мутойибани ёқтирадиган ва бошқаларнинг ҳазилини ҳам кўтарадиган, иқтидор ва қобилият эгаларини қадрлайдиган, назм ва мусиқани юракдан севадиган, барча истеъдодли инсонларга, уларнинг ким бўлишидан қатъи назар, илтифот билан қарайдиган Бобур ўз атрофига энг яхши одамларни тўплашга муваффақ бўлди ва кўпчиликнинг юксак ҳурмат-эҳтиромини қозонди.

Павле де КУРТЕЙЛ, француз шарқшуноси

Бобур феъл-атворига кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манғлайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган.

Эдуард ҲОЛДЕН, инглиз тарихчиси

Шакарханда

“300 ТА ТЕХНИК”

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари эди. Республика радиосининг қишлоқ хўжалиги муҳарририятида ишлардим. Бир куни келаси ҳафтанинг эшиттириши учун овозли ёзув ва матнларни кўздан кечираётсам, ҳамкасбим Қосим ҳовлиқиб хонага кириб келди:

— Эшитдингизми, бизнинг канал билан хорижий эшиттиришлар канали қўшилиб Ҳалимбой Раббимқулович раис ўринбосари бўлибди. (Исмлар ўзгартирилди). Эшиттиришларнинг матнларини шахсан ўзи ўқирмиш, — деди. Хона ўртасидаги телефондан кимгадир кўнғироқ қилаётган Ҳасанбой ака, у киши кун бўйи телефонни банд қилар эди, бир зум тўхтаб, Қосимга қаради:

— Э-э, у кишим, “ЦеКа”да ишлаб келган. Ўзбекчани тузук билмайди. Ҳар бир сўз учун олдига тушиб изох бериб чиқар эканмиз-да, — деди кулиб.

Шу пайт эфирга узатиш бўлимининг масъул ходими кириб келди. Хонадагилар билан саломлаша туриб қўлидаги ҳафталик режага кўз ташлар экан: “Қосимбой, эртанги эшиттириш матнини тез олиб тушин, пасдан сўрашампти”, деди сирли қилиб.

Бу ваҳимали гаплардан тўғриси, ичимизга ғулула тушди. Бир-биримизга мўлтираб қарадик. Қосимнинг ранги бўздек оқариб кетган эди. У истар-истамас эшиттириш жилдини очиб матнларга қайта кўз югуртира бошлади.

— Нима, ҳалигача матн ўқилмаганми?

— Йўқ, ўқилган, яна бир қараб чиқай дегандим.

— Вақтни кеткиманг, папкани тез ўринбосарнинг котибасига етказинг. Янги бошлиқнинг ўзи сўраётган экан.

Қосим оғриниб ўрнидан қўзғалаётди, қандайдир нохушликни сезгандек, “ишқилиб бир ишқилиб чиқмаса бўлди”, деди мингирлаб.

Бир соатча вақт ўтиб хонанинг ички телефони ари чаққан бола чинқирғидай чириллаб кетди. Хонада мендан бошқа ҳеч ким йўқлиги учун ноилоҳ бориб гўшакини кўтардим. Алло дейишим билан, гўшакдан “Ҳайларип ўзи ким, у нима иш қилади?” — ўдайлаган овоз эшитилди. Мен аста салом бериб, “Муҳаррир” дейишим билан у тўтқиб:

— Шунақаям саводсиз муҳаррир бўладими? Ўзи бирон жойни битирганми, тез топинг, менга учрашин... — деди-ю. Гўшакни шарақ эттириб қўйди. Мен гарансиб қолдим. Худди шу пайт хонага эшиттириш муаллифининг ўзи келиб қолди. Кўрсаткич бармоғи билан пастини кўрсатиб, сўрашппти, тушар экансиз, дедим.

— Тинчликмики? — сўради хавотир билан. Елка учуриб, “билмадим” ишорасини қилдим. У бироз талмовсираб турди-да, ноилоҳ чиқиб кетди. Кўп ўтмай тарзуви кўтилганда тушиб, шалвараганча бир алфозда қайтиб келди. Қўлидаги эшиттириш сценарийсини олар эканман, муқовалаги “Муҳбир деганим шу қадар саводсиз бўладими?” ёзувига кўзим тушиб, қаҳратон қишда устимдан бир челақ муздек сув куйилгандек бутун вужудим қалтираб кетди. Шовиб эшиттириш матнига кўз югуртира бошладим. Саҳифаларнинг бирини жойига буюқ тегмаган. Фақат: “Чор-



ва — бўлма бепарво” сарлавҳали матндаги “зоотехник” сўзининг “зоо” қисмидан сўнг катта сўроқ белгиси қўйилган, бу ҳам етмагандек, “Битта хўжаликда 300 та техник ҳам ишлайдими, муҳбирнинг калласи жойидими?” ёзуви ҳам қўшиб қўйилган эди. Разм солсам, “зоо”дан сўнг бўгин кўчирилган бўлиб, негадир, ўртадаги чизикча тушиб қолган, натижада “300” техник бўлиб қолган эди. Яна ички телефон жририлди. Гўшакни яна мен кўтардим. Раҳбарнинг котибаси бўлса керак, қиз боланинг, эшиттириш муаллифи билан муҳарририни бошлиқ сўрашпгилар, деди. Муаллиф нима гап, деб менга қараган эди, бошим билан эшик томонга имо қилиб, сўрашаётган экан, кетдик дедим кулмсираб.

— Қизик одатингиз бор-а, — у норози оҳангда тўнгиллади.

— Биров ўламан деса, сиз куламан, дейсиз.

Икковимиз тиркашиб қабулхонага тушдик. Котиба бизни кўриши билан эшик томонга имо қилиб, қиринлар, деди. Остона ҳатлаб салом бердим. Соцлари оппоқ, кўзойнакли одам саломини эшитмагандай хўмайиб тикилар экан, кўрсаткич бармоғини чеккасиа бургандек ҳаракатланттирди, “Ўзи силарда калла борми?”, дея шеригимнинг қўлидан эшиттириш матнини юлиб олди. Сўроқ белгиси қўйган жойини бармоғи билан нуқиб, “Битта хўжаликда 300 та техник нима қилади?” Шунга ақлингиз етмаса, нима қилиб юрибсиз муҳбирлик қилиб”, — деди ўдайлаб. Мен сал жимлайиб унга тушунтириш учун энди оғиз жуфтлаган эдим, қўймади.

— Куйдирилган калладек тиржаюсиз, агар сизда виждон, номус бўлса кулиш ўрнига йиғлашингиз керак, бидингизми?! Уят-э, яна иржайишга ўлайми, буларнинг... Ўзи радиода гала саводсизлар йиғилган кўрнали. Мана, литрамдан (адабий-драматик эшиттиришлар тахририяти демоқчи) чиққан папканинг аҳволи, деб жилди устига қизил рангда сўроқ белгиси қўйилган стол четиди эшиттиришнинг муқовасига ишора қилди: — Современний “печатланди” сўзи турганда, у қардаги эски арабча диний “муҳланди” деб ёзилди. Бу сиёсий кўрсаводликдан бошқа нарсас эмас, ҳаммангизни ишдан ҳайлаш керак, — дея ўшқириб кетди.

Шеригим иккимиз тик ҳолда, миқ этмай унинг кесатигу кинояга тула гапларини тинглаб туравердик. Баққарвериб томоғи кўриди чоғи, бироз тўхтаб столдаги чойнақдан шёллага чой қуя бошлади. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, “Қанақа уч юзта техник? Матнда унақа рақам йўқ-ку”, — дедим ишча орқасидан йилтираб турган газабли нигоҳига тикилиб.

У саҳифадаги қизил рангда сўроқ белгиси қўйилган жойга яна бармоғини нуқиб, “Нима, пешонадаги кўзми ё пўстакнинг тешигими?” дея каллака қилгандай истеҳлоли илжайди.

— Бу уч юзта техник эмас, “зоотехник” деб ёзилган. Фақат сўз қаторга сигмай қолиб, “техник” паства — янги қаторга тушган, холос, — дедим. У сўзга такрор тикилиб қарар экан, барибир отдан тушса ҳам эгардан тушмай, “Боринг, “зоотехник” сўзини тўғрилаб “қайта ёзиллар” дея бизни пашша ҳайдагандек хонасидан чиқариб юборди.

Катта мажлислар залида бўлган “летучка”да сиёсий хушёр янги раҳбар ҳартуғул биз ҳақимизда лом-мим дедими.

Очил ТОҲИРОВ



«АСАКА» БАНК БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК САРИ

Хурматли юртдошлар!

Тадбиркорлик фаолияти орқали республикаимизни янада ривожланиши ва тараққий этишига ўз ҳиссамни қўшаман, деб ният қилган ватандошларимизга «Асака» банк ўзининг тезкор хизматлари ва имтиёзли кредитларини таклиф этади.

«Асака» банк томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ватандошларимизга куйидаги йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича имтиёзли шартларда кредитлар таклиф этилмоқда:

- » чорвачилик;
- » паррандачилик;
- » асаларчилик;
- » кўёнчилик;
- » қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик;
- » иссиқхоналар қуриш;
- » балиқчилик;
- » кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш;
- » касаначиликни ривожлантириш;
- » ҳунармандчилик;
- » сартарошхона хизматини ташкил этиш;
- » тикувчилик ва чеварликни қўллаб-қувватлаш;
- » пойабзал тузатиш устaxonасини ташкил этиш;
- » умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш;
- » машиий техникаларни тузатадиган устaxonалар ташкил этиш;
- » гўзаллик салонлари ташкил қилиш;
- » аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш;
- » автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шахобчалар қуриш;
- » автомобилларни ювиш шахобчаси ташкил қилиш;
- » компьютер хизматлари кўрсатиш ташкил қилиш;
- » савдо фаолиятини йўлга қўйиш;
- » ҳаммомлар ташкил қилиш;
- » новвойхона ташкил қилиш;
- » қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ташкил этиш;
- » қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун.

«Асака» банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиб ўз бизнесингизни ташкил этинг.

Сизнинг куч ва имкониятингизни, қобилият ва салоҳиятингизни рўёбга чиқариш учун «Асака» банк томонидан барча имкониятлар ва шароитлар яратилган.

Мурожаат учун телефонлар:

«Асака» банк Бош офиси (371) 120-26-40

Қорақалпоғистон филиали	(365) 222-50-37
Сурхондарё вилоят филиали	(376) 770-82-11
Андижон вилоят филиали	(374) 223-60-44
Сирдарё вилоят филиали	(367) 225-28-61
Асака филиали	(374) 233-23-68
Тошкент вилоят филиали	(371) 120-84-09
Фарҳод филиали	(374) 226-97-52
Фарғона вилоят филиали	(373) 244-91-80
Бухоро вилоят филиали	(365) 770-01-18
Олтиариқ филиали	(373) 432-18-31
Бухоро шаҳар филиали	(365) 770-15-42
Кўқон филиали	(373) 552-61-05
Жиззах вилоят филиали	(372) 226-35-96
Марғилон филиали	(373) 237-60-72
Қашқадарё вилоят филиали	(375) 221-17-03
Хоразм вилоят филиали	(362) 228-14-91
Навий вилоят филиали	(436) 223-08-70
Тошкент шаҳар филиали	(371) 120-83-30
Зарафшон филиали	(436) 573-18-80
Автотранспорт филиали	(371) 120-39-12
Наманган вилоят филиали	(369) 227-89-23
Сирғали филиали	(371) 120-83-99
Самарқанд вилоят филиали	(366) 233-66-92
Шайхонтоҳур филиали	(371) 140-39-31
Афросиёб филиали	(366) 221-71-76
Юнусобод филиали	(371) 221-86-48

«Асака» банк – Тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган